



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2012 йил 7 июнь, пайшанба, 23-(447)-сон



«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» «КЎКСАРОЙ» ВА «ЧЕТСУВ»НИ ТАНЛАДИ 3 →



ТАДБИРКОРЛИК УЧУН 23741.9 МЛН.



ДУНЁ АХОЛИСИНING 1,2 МИЛЛИАРДИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВГА МУҲТОЖЛИК СЕЗАЯПТИ 7 →

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: azborotXXI@yandex.ru, web sayti: www.21asr.uz

Депутатлик гуруҳларида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

О'ZLIDEP ТАШАБУСИ БИЛАН БУХОРОДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИККИ КУНЛИК СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Унда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсанов сўзга чиқиб, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯНИ ИМЗОЛАДИ

ПЕКИН, 6 ИЮНЬ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитойга келди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислоҳ Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокара-лар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга мўллик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ислоҳ Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни им-

золдилар. Шунингдек, техникавий-иктисодий ҳамкорлик, ветеринария, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Кэцань билан ҳам учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирокида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Унда ШХТ олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш борасида ҳамкорликдаги сўй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

ШХТ Саммити 7 июнь кунини ўз ишини давом эттиради.

ЎЗА

Рақобат



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августда қабул қилинган «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги қарори мазкур ҳудуддаги корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини, истеъмол бозорига рақобатбардор маҳсулотлар етказиб бериш ҳажминини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда ноозик овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасида соғлом рақобат тобора кучаймоқда. Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулия-ти чекланган жамияти ана шундай соф рақобат

муҳитида ўз ўрнини топиб, юқори самарадорликка эришадиган корхоналардан бири.

2008 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу корхонада асосан эркаклар учун костюм-шим, пиджак, куртка, пальто ҳамда болалар костюмлари, куртқалари, махсус кийимлар тикилади. Бу ерда меҳнат қилаётган олтмишга яқин ишчи-хизматчининг салмоқли қисмини аёллар ташкил этади.

Корхонада «Агробанк»нинг молиявий қўмағида ишлаб чиқариш тўлиқ модернизация қилинган ўз самарасини бермоқда: қирқ хил моделда тайёрланаётган юқори сифатли кийим-кечақларга буржумлар тобора ортмоқда. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида 226 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган жамоа эндиликда корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини изламоқда.

Жамоатчилик назорати

Тарғибот ҳам, ижро ҳам талаб даражасида эмас

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ» МУТАСАДДИЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунда иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хибоблар, истироҳат боғларида, жамоат транспортларининг барча турлари ҳамда бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

белгилаб қўйилди. — Ушбу қонун аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга йўналтирилгани билан ҳам нихоятда аҳамиятлидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси

аъзоси Раҳматилла Каримов. — Унда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бу турдаги маҳсулотларни сотиш, реализация ва реклама қилишнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилди.

3 →

Электорат билан юзма-юз

Депутат сайловчи қабулида

О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ 28 МАЙ-4 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎЗ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАГИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

Маълумки, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номи маърузасида парламент кенг кўламли

ислохотларнинг ҳал қилувчи кучига айланиши лозимлиги таъкидланган, депутатларнинг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини яхшилаш борасида зарур тавсиялар берилган эди. Ушбу дастурий маъруза

асосида ҳар йили Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари юзасидан дастури қабул қилиниб, шу асосда парламентнинг тизимли фаолияти олиб борилмоқда. «Мамлакатимизда де-

2 →

«Ёшлар қаноти»

НАВҚИРОН АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА О'ZLIDEP ФАОЛЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДАЛАР

Ёш тадбиркор ва ишбилармонларни қизқитирадиган «Ёшлар салоҳияти — юрт тараққиётига» мавзусидаги туркум тадбирлар ҳам ана шу муҳим Дастур ижросини таъминлашга қаратилмоқда. Жумладан, О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ҳам ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, гоёвий тарбия масаласига жиддий ёндашаётир.

Муносабат



Барно АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Юртбошимиз таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги азалий алоқаларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболага бўлмайди.

Зотан, мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилаётган халқаро кузатувчилар ҳам ташриф якунлари бўйича ана шундай хулосалар билдираётганлари бежиз эмас.

Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ҳақидаги декларация, Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиш бўйича истиқболдаги қўшма чоратадбирларга оид англашув меморандуми қандай аҳамиятга эга экани уларнинг номидан ҳам кўриниб турибди.

О'zLiDeP машаббуси

«Болажонлар — ширинтойлар» акциясида узундан-узун маърузалар ўрнига куй ва қўшиқлар янгради. Болаларга қўшилиб барча бирдек ўйин-қулгидан маст бўлди. Зеро, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон қандай улкан ютуқ ва натижаларга эришган бўлса, улар болаларимизга аталганининг нишониси эди бу. «Биз Ўзбекистон фарзандимиз» мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича ўтказилган танлов ғолибларидан бири ўзинга аталган совғани олар экан, мен бахтиёрман, деганида икки юз чоғли киши даврани гулдурас қарсақларга тўлдирди.



3 →

БУГУНГИ СОНДА:

ХОЛИС МУНОСАБАТ СОҒЛОМ РАҚОБАТ АСОСИДИР

4

АММО ЎЗХДШ ФАОЛЛАРИ АНА ШУНДАЙ ОДИЙ ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАБ ЕТМАЯПТИЛАР



Концепция амалда

Депутат сайловчи қабулида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Таҳлилчилар ана шу муҳим ҳужжатда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидламоқдалар.

Ҳўш, ана шундай муҳим жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қай даражада фаолият кўрсатаётдилар? Сийёсий партияларнинг фракциялари аъзолари томонидан Концепцияда белгилаб берилган вазифалар талаб даражасида ижро этиляптими? Ана шундай саволлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 68-моддасига мувофиқ ўтказилган сайловчилар билан учрашувларда асосий мавзуга айланди, десак муболага бўлмайди.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан эса жойларда саноат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бирламчи эътибор қаратилди. Шунингдек, фракция аъзолари тадбиркорлар дуч келаятган муаммоларни аниқлаш, уларни қонунларни янада такомиллаштириш орқали бартараф этиш юзасидан сайловчилар фикр-мулоҳазаларини таҳлил этдилар. Зеро, айни пайтда бутун дунёда сифатли озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бораётгани маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлик масаласини кун тартибига қўймоқда. О'zLiDeP кичик бизнес улушида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар салмоғининг кўпайиши бозорни сифатли товарлар билан тўлдирishi билан бир қаторда юртимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шу боис партия соҳада кузатилаётган ўзгаришларни яна бир бор таҳлил этиш асносида унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Таҳлилчилар учрашувларда сайловчилар томонидан янги қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилганини ҳам таъкидлашяпти. Шу ўринда учрашувлар домида амалдаги қонунларни такомиллаштириш, улар шаффоқлигини таъминлашга оид 350 дан ортиқ тақлифлар келиб тушдики, бу сайловчиларнинг депутатлар фаолиятига нисбатан муносабатлари кескин ўзгарганини кўрсатмоқда. Шу ўринда сайловчиларнинг у ёки бу масалани қамраб олган 700 га яқин мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойларнинг ўзида ҳал этилганини таъкидлаш мумкин.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонунга фарғоналик сайловчилар жуда катта қизиқиш билдиришмоқдалар. Чунки айни кунда биргина Фарғона водийсининг ўзида 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли у ёки бу шаклда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланибди. Бу кўрсаткич қонун кучга кириши билан янада ортиши мумкин.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЎЗИДА 2,5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ АҲОЛИ У ЁКИ БУ ШАКЛДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ. БУ КЎРСАТКИЧ ҚОНУН КУЧГА КИРИШИ БИЛАН ЯНАДА ОРТИШИ МУҚАРРАР. АҲОЛИСИ ЭНГ ЗИЧ ЖОЙЛАШГАН ХУДУДА ЎЗ ОИЛАВИЙ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН ОИЛАЛАР СОНИНИНГ КЎПАЙИШИ ЭСА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙТИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ, ТУРМУШ СИФАТИНИНГ БУНДАНДА ЯХШИЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Бухоро вилоятидаги учрашувлар ҳам сайловчиларнинг сиёсий етуқлик даражаси ҳамда ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганини намойиш этди. 23-Шоҳруд сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимжон Алимовнинг сайловчилар билан учрашувида саволлардан кўра кўпроқ тақлифлар билдирилганини таъкидлаш жоиз.

— Бу борада сайловчиларнинг амалдаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар кириштириш борасидаги тақлиф ва мулоҳазалари, айниқса, эътибор молиқдир, — дейди Н.Алимов. — Масалан, Вобкент туманидаги учрашува «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунларнинг кучга киргани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда низоҳатда муҳим эканлиги таъкидланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Бухоро азалдан оилавий тадбиркорлик марказларидан бири саналиб, ҳудуддаги маҳаллаларнинг аксарияти уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланади. Улар орасида уста-новвой, зардўз ва кулоллар кўпчиликини ташкил этади. Бухоро туманидаги учрашувлар чоғида эса ушбу қонунлар ижросини таъминлаш, қонуности ҳужжатлари сонини камайтириш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Бундай мулоҳазалар депутатлар фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатапти.

94-Богдоқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Қобилжон Тошма-товнинг таъкидлашича,

жойлашган ҳудудда ўз оилавий бизнесини йўлга қўйган оилалар сонининг кўпайиши эса мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланиши, турмуш сифатининг бунданда яхшиланишига хизмат қилади.

Шу ўринда сайловчилар билан учрашувларда О'zLiDeP фракцияси аъзолари партия электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар билан очик мулоқотлар ташкил этганларини ҳам тилга олиш мумкин. О'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуротованинг таъкидлашича, хоразмлик сайловчилар, асосан, янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ўрта синф вакилларига ер участкалари, шунингдек, ноутарржой бинолари ажратишда амалдаги қонун ҳужжатларига таяниш, банклар томонидан кредитлар ажратишда қонуний талабларга риоя этилишини ўрганиш билан боғлиқ масалалар юзасидан кўплаб саволларни ўртага ташладилар. Бинобарин, учрашувларда айнан ана шу масалаларни ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» ва «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

— Кейинги пайтларда депутатларнинг ўз сайлов округидаги учрашувлари янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Жумладан,

юзма-юз мулоқотлар чоғида депутатлар ўз сайловчилари олдида ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан ҳам ҳисобот бермоқдалар. Учрашувлар домида ариза ва мурожаатлар билан ишлаш жараёнига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди. Хусусан, фуқаролар учун қабул қилган ташкил этиш амалиётидан фойдаланиш йўли

қўйилгани натижасида мурожаатларга амалий жавоб қайтариш сифати бирмунча яхшиланди. Биргина 70-Термиз сайлов округида фуқаролардан келиб тушган 16 та мурожаатнинг 5 таси ижобий ҳал этилди. 7 таси маҳаллий, 4 таси эса марказий давлат идораларига юборилди.

122-Фўзор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган Шоира Ҳайдарованинг таъкидлашича, учрашувлар домида унга 50 дан ортиқ оғзаки ва ёзма мурожаатлар келиб тушган. Хусусан, депутатнинг Деҳқонobod тумани сайловчилари билан учрашувлари чоғида «М.Ибрагимов» ширкат хўжалиги аҳолисида ҳудудда телефон ва алоқа воситаларидан фойдаланишдаги муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўралган. Депутат мурожаати асосида эса Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутасаддилари томонидан ширкат хўжалиги ҳудудида янги антенна ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, О'zLiDeP фракцияси аъзолари бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришларни оддий сайловчига етказиш, уларни давлат ва жамият қурилишида иштирокини янада фаоллаштиришга ҳаракат қила-яптилар. Юзма-юз мулоқотлар эса сайловчиларнинг онги ва тафаккури юксалиб бораётганини, эндиликда уларни популистик қарашлар билан чалғитиб бўлмастлигини ҳам кўрсатмоқда. Бу эса депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини янада ошириши баробарида уларнинг қўйи палатадаги фаолиятини такомиллаштириш лозимлигини ҳам аниқлади, албатта.

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ тайёрлади.



Долзарб вазифалар муҳокамаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Асхор ИСТАМОВ, «XXI ASR»

— Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бу борадаги фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этиши лозим.

Нотик кейинги пайтда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг қўшма мажлисларини ўтказиш амалиёти яхши натижа бераётганини таъкидлаб, 30 май кунини ўтказилган навбатдаги қўшма мажлисда касб-хўнара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш юзасидан атирофича фикр уритилганини тилга олди.

Анжуманда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида» номи асаридан ўрин олган нутқ ва матбузаларида мустақиллик мавзуси бош мазгуб бўлган, мазкур асарни ўрганиш О'zLiDeP ғоявий йўналишининг асосини ташкил этиши лозимлиги ҳам таъкидланди. Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан ОАВ ходимларига берган интервьюси ҳам сиёсий партиялар, жумладан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ёшлар тарбиясига алоҳида эътиборда таъкидлари кераклигини тўлиқ эътибор. Зеро, улар миллат таяничи, мамлакат келажагидир.

Семинарда «Мустақкам оила йили» Давлат дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кенгайтириш борасидаги фикрларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Концепцияси асосида қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани дунё қонунчилик тарихида ҳам бугунги кунга қадар бизнеснинг «оилавий корхона» тарзидаги янги ташкилий-ҳуқуқий шакли кузатилмагани алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Н.Алимов эса халқ депутатлари маҳаллий кен-

гашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан қонунлар ижросига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини уқтириб ўтди. Токи партия депутатлик корпуси олдида турган энг муҳим вазифалар О'zLiDePнинг Сайловчи платформаси, дастурий ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда оғишмай амалга оширилсин.

Шунингдек, кун тартибидagi масалалар юзасидан О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши

ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди. Пешку, Ромитан, Шофиркон ва Навбахор туманлари вакиллари катнашган йиғилишларда асосан депутатлик гуруҳларининг БПТлар билан ҳамкорлиги, бу борадаги асосий йўналишлар, партия электоратининг худудий муаммоларини ўрганиш яқунлари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, Қоровулбозор, Қорақўл, Хатирчи ва Ёғдудон туманларидан ташриф буюрган ишти-

О'ZLIDEP БУХОРО ВИЛОЯТ

КЕНГАШИ РАИСИ МАНСУР ЗОКИРОВ АЙНИ ПАЙТДА ХУДУДЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ИШИ НИСБАТАН ИЖОБИЙ БАҲОЛАНАЁТГАНИГА ҚАРАМАЙ, ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ЭЛЕКТОРАТНИ МАНФААТИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ХОЛДА ХУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ КАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА БУХОРОДА ҲАМ ҚАТОР МУАММОЛАР МАВЖУД ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ.

Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари Ф.Ҳотамов, Вобкент тумани ҳокими, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутати А.Жаводов, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро мустақавий бўлинимаси раҳбари Ш.Бафоев, О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати депутатлар билан ишлаш сектори мудири А.Хусайнов, Бухоро туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати У.Раҳматов сўзга чиқиб, депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш, бу борадаги услубий қўлланма ва меъёрий ҳужжатлар партиявий-ташкилий ишларни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтаришга хизмат қилажанини таъкидладилар.

Семинар иштирокчилари тушдан сўнг «Бухара-Гранд» мехмонхонаси мажлислар залда гуруҳларга бўлинган ҳолда бир қатор амалий ва назарий машғулотлар ўтказдилар. Жумладан, Бухоро, Когон ва Навоий шаҳарлари ва Кармана тумани вакиллари ўз йиғилишларида депутатлик гуруҳининг назорат-таҳлил фаолиятини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш, унинг яқунлари депутатлик гуруҳида муҳокама этиш масаласини кўриб чиққан бўлсалар, Бухоро, Вобкент ва Нурота туманлари партия фаоллари депутатлик гуруҳи йиғилишида ижро ҳокимияти идораси раҳбарининг ҳисоботи, унинг муҳокамаси, муҳим тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Жондор, Когон, Олот ва Учқудук туманлари депутатлари иштирокидаги мулоқотлар эса депутатлик гуруҳи томонидан сўров билан мурожаат қилиш, зарур тушунириш ва маълумотлар олиш, яқуний натижаларни таҳлил этиш, тегишли тақлиф

роқчилар ўз гуруҳлари йиғилишида партиянинг дастурий мақсадлари, электорат манфаатларига жавоб берадиган муқобил лойиҳаларни тайёрлаш мезонлари ва бошқа масалалар билан банд бўлди.

Пешку туманидаги «Истиклол» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Санам Жумаеванинг таъкидлашича, навоийлик маслакат партия билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир узаро тажриба алмашиш имконини ҳам берди.

— Семинарда иштирок этиб, партия фаоллари, унинг турли бўғинлардаги етакчилари назарий-амалий жиҳатдан етуқ бўлишлари кераклигини қалбдан тўла ҳис этдик. Бундай тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши ва ОАВ-да кенг ёритилиши умумий ишимизга катта ёрдам беради, албатта.

Навоий вилоят кенгаши ҳузурдаги «Сийёсий таълим» маркази раҳбари ўринбосари Умрзоқ Эшонқулов, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Акмал Халилов ва бошқалардан ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтишди. О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси Мансур Зокиров айни пайтда худудлардаги депутатлик гуруҳлари иши нисбатан ижобий баҳоланаётганига қарамай, фаолиятини янада ривожлантириш, электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда худудий дастурлар ижросини катъий назорат қилишда Бухорода ҳам қатор муаммолар мавжуд эканини таъкидлади.

Тадбир катнашчиларини қизиқтирган саволларга таъкилотчилар томонидан атирофича жавоб қайтарилди. Халқ депутатлари Бухоро ва Навоий вилоятлари кенгашлари, шаҳар, туман кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари иш тарбиясини кенг омаллаштириш мақсадида бундай семинарларни мунтазам билан ўтказиб туришга келишиб олинди.

Муносабат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Маълумки, Россия Ўзбекистоннинг доимий иқтисодий ҳамкорларидан бўлиб, 2011 йилда ўзаро савдо ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 9 фоизга ўсиб, 6,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса Ўзбекистон-Россия муносабатларининг нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам мустаҳкамла-ниб бораётганини кўрсатмоқда.

Музокаралар чоғида алоҳида таъкидланганидек, бугун мамлакатларимиз орасида хал эътиб бўлмайдиган муаммолар ёки ўтиб бўлмайдиган бирор бир тўсиқнинг ўзи йўқ. Халқларимиз ўрта-

Ҳамкорликнинг янги босқичи

сидаги азалий ришталар, маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар узоқ йиллар домида ана шундай ишончли ҳамкорликнинг мустаҳкам замини бўлиб келмоқда.

Ўрни келганда Ўзбекистонга чегарадош бўлган Афғонистондаги вазият ва ана шу жафокаш мамлакатда юз бераётган воқеалар ривожи таҳлиliga ҳар бир учрашув ва мулоқотда алоҳида эътибор қаратилиши анъана тусини олганини таъкидлаш лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, 30 йилдан буюн уруш бўлаётган ушбу мамлакатда тинчлик

ўрнатилиши, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оёққа туриши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги асосий омиллардандир.

Бир сўз билан айтганда, самимий ва дўстона руҳда ўтган музокаралар ва уларда эришилган муҳим келишувлар ўзаро ишончли ҳамкорликни янада кенгайтиришдан, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари барқарор ва изчил ривожланишидан Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам бирдек манфаатдор эканидан далолат беради.

Конференция

НАМАНГАНДА КИЧИК БИЗНЕС ТАЖРИБАСИ

Наманганда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, вилоят ҳокимлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида «Кичик бизнесда текстиль саноати: амалий тажриба ва истиқболлар» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

50 дан ортиқ корхона, турли давлат идоралари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари ва коллеж талабалари иштирок этган анжуман доирасида тўқимачиликка ихтисослашган кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Анжуманда вилоят ҳокими Б.Юсупов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов иштирок этди.

Жамоатчилик назорати

Тарғибот ҳам, ижро ҳам талаб даражасида эмас

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ» МУТАСАДДИЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Унга кўра, 20 ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиб олиши тақиқланди. Хусусан, қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини савдосини таълим, спорт ва диний муассасалардан беш юз метр узоқликда амалга ошириш лозимлиги ҳам қатъий белгиланди. Бу, энг аввало, ёшлар ўртасида шу турдаги маҳсулотлар тарқалишини камайитириши билан бирга жамоат жойларининг тозаллиги ва экологик мусаффолигини сақлашга ҳам ёрдам беради.

Ҳўш, 2012 йилнинг 6 апрелидан кўча кирган мазкур ҳужжатнинг жойлардаги ижроси талаб даражасидами? Аҳоли орасида қонуннинг моҳиятини тушунириш юзасидан жойларда етарлиги иш олиб борилаётганими? Мухбирларимиз жойларда бўлиб, ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу қонун фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаганлар орасида алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг тарқалишини чеклашга қаратилгани боис мамлакатда соғлом авлодни шакллантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, соғлом турмуш тарзи баркамол авлодни тарбиялашнинг асосидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда алкоголь маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ касалликлар ва жароҳатлар туфайли ҳар йили 2,5 миллион киши вафот этмоқда. Ачинарлиси, уларнинг 320 минг нафарини 15 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар ташкил қилаётганидир. Улим ва ногиронликка сабаб бўлувчи 20 турдаги хасталиклар орасида ҳам алкоголь маҳсулотлари истеъмоли етакчи ўринларни эгаллашгани унинг инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарли эканини кўрсатади, албатта. Жумладан, асаб-руҳий, юрак-қон томир, жигар циррози ва саратон касалликларининг ривожланишига аксарият ҳолларда алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари сабаб бўлади.

Бундай ҳолатлар эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасида жиддий муҳокама қилинган сабаб бўлган қонун ижросига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади, албатта. Аммо ўрганишларимиз ҳамон айрим таълим ва спорт муассасалари ҳамда бошқа жамоат жойлари яқинида алкоголь, тамаки маҳсулотлари савдоси билан яширинча шугулланаётган «учар тадбиркор»лар учраётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг Сартепа мавзесидаги Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи яқинида жойлашган «Гулямов Ўқтам», Санъат коллежи рўпарасидаги 64-уйда жойлашган ХТ «Гафаров Ф» савдо дўконларида коллеж ўқувчиларига тамаки маҳсулотларини сотиш ҳануз давом этмоқда.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида эса озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган Б.Боймуродов шундоққина Навоий спорт коллежи рўпарасидаги автобус бекетида «фаолият» юритмоқда. Тамаки маҳсулотларининг борми, — деган саволимизга, «барча хилдан топилади», дея жавоб олди. Вилоят матбуот уюшмаси мутасаддилари сотувчи Б.Мирзаев фаолият юритаётган дўкон орқали худуд аҳолисини, айниқса, ўқитувчи ва ўқувчиларни матбуот нашрлари билан таъминлашни мақсад қилганлар, албатта. Аммо 16-ўрта умумтаълим мактаби рўпарасидаги матбуот дўкониди «учар сотувчи» босма маҳсулотлар, канцелярия моллари савдоси билан қаноатланмай, кенг асортиментдаги тамаки маҳсулотлари савдосини ҳам яширинча йўлга қўйиб олибди.

Навоий шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг қисқа мuddатли текширишларини ўтказиш шўъба раҳбари Эркин Яхёвнинг таъкидлашича, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шугулланишга рухсат берилган юридик шахслар дислокацияси

қонун талаблари асосида қайта инвентаризациядан ўтказилиб, рўйхатлар тегишли қарор қабул қилиш учун шаҳар ҳокимлигига тақдим этилган. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдосига чек қўйиш учун шаҳарда фаолият юритаётган 12 нафар участка солиқ инспекторлари худудларга бириктирилган. Улар томонидан жойларда турли тадбирлар уюштирилиб, алкоголь

Бундай ҳолатлар


ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЖИДИЙ МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ҚОНУН ИЖРОСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. АЛБАТТА. АММО ЎРГАНИШЛАРИМИЗ ҲАМОН АЙРИМ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИ ЯҚИНИДА АЛКОГОЛЬ, ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ БИЛАН ЯШИРИНЧА ШУГУЛЛАНАЁТГАН «УЧАР ТАДБИРКОР»ЛАР УЧРАЁТГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА.

ва тамаки маҳсулотлари савдосига оид давлат сиёсати хусусида тушуниришлар берилмоқда.

Маълумотларга қараганда, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидида 7 та даволаш-профилактика муассасасида жами 193 нафар шифокор, 635 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатапти. Бирлашма бош статисти Назокат Аҳмедованинг айтишича, улар томонидан жорий йилнинг ўтган 4 ойида жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган 145 та турли тадбирлар ўтказилган. Уларда 3200 га яқин тингловчи иштирок этган. Аксарият ДПМлар худудидида чекишни тақиқловчи ёзувлар чиқарилиб, қонун талаблари асосида чекувчилар учун махсус бурчаклар ташкил этилган.

Тошкент шаҳрида ҳам қонун талабларидан келиб чиқиб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганига қарамай, ҳали-ҳануз кўча-кўйда «столча устидаги тижорат» усулидан кенг фойдаланилаётгани қонуннинг музмон-моҳиятини тушуниришда етарлиги иш олиб борилаётганини кўрсатапти. Буни Тошкент олимпия захиралари коллежини қўриб келиш жойида, Яққасарой туманидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган 118-ўрта мактаб атрофидаги тамакифурушлар фаолияти кўрсатиб турибди.

Энг ажабланарлиси, ана шундай фаолият билан шугулланаётганларнинг аксарияти билан суҳ-



батлашганда, улар қонун қабул қилинганидан бехабар эканликларини, ноқонуний фаолият билан шугулланаётганини билмасликларини таъкидламоқдалар. Бу эса қонун қабул қилинганидан кейин уни жойларда кенг тарғибот ва ташвиқот қилиш, ижросини қатъий назоратга олиш кераклигини аниқламоқда. Мутахассислар бундай ҳолатга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан тортиб, сиёсий партияларнинг кўйи бўғинларидаги кенгашилари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари масъулият билан ёндашишлари лозимлигини таъкидламоқдалар. Шунингдек, қонунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклашдаги иштироки ва ваколатлари белгилаб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Демак, мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этиши қонун ижросининг тўлиқ таъминла-

нишига хизмат қилади.

Тўғри, қонун кўчга кирганига бугун роппа-роса икки ой бўлди, холос. Аммо ёшлар саломатлиги, уларнинг муносиб турмуш кечиришлари билан боғлиқ масалага вақт тушунчасини қўллаш унчалар тўғри бўлмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки биз ана шу муҳим қонун ижросига қанча тез киришсак, шунча фойдали бўлади. Шу ўринда айни масалада депутатларидан тортиб, сиёсий партияларнинг кўйи бўғинларидаги кенгашилари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари масъулият билан ёндашишлари лозимлигини таъкидлаш лозим. Шундай экан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этишлари қонун ижросини қатъий назоратга олишда муҳим эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
Мухаббат РАВШАНОВА,
Мансур АСЛОНОВ тайёрладди.

«Аёллар қаноти»

Фаоллик жой танламайди

«КЎКСАРОЙ», «ЧЕТСУВ» — ОХАНГАРОН ТУМАНИНИНГ ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРИДАН. УШБУ ҚИШЛОҚЛАР БОШҚА ХУДУДЛАРГА НИСБАТАН УНЧА ТИФИЗ БЎЛМАСА-ДА, ОДАМЛАРИНИНГ АНЧАЙИН ИШБИЛАРМОНЛИГИ, САРАНЖОМ-САРИШТАЛИГИ БОИС ВИЛОЯТДА ОФИЗГА ТУШГАН

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI ASR»

Улар асосан чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик билан шугулланишади. Яна бир ибратли томон кишлоқда маҳалла институтининг намунали шаклланганидир. Бирор оила йўқки, унинг аъзолари уйда бўш ўтирган бўлишса. Хонадонларнинг ҳар бирида 10-15 тагача қорамол, қўй-қўзи бор. Ана шулар эвазига аҳоли оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, мўл-кўл сўт ва гўшт етиштирмоқда.

— Табиийки, одамларимизда фермерлик, тадбиркорлик кўникмалари ўз-ўзиндан шаклланаётгани йўқ. Бу борада О'zLiDeP Охангарон туман кенгаши, унинг қошидаги «Аёллар қаноти»нинг ёрдами катта бўлмоқда, — дейди тадбиркор Ҳабиба Минглиева. — Агарда биз илгари бироз тарқоқ ҳолда иш юритган бўлсак, эндиликда партия ёрдами билан даромадларни ошириш, оила иқтисодини янада мустаҳкамлашнинг қулай ҳамда фойдали йўллари ўрганилмоқда. Қолаверса, кишлоқларимизга «Қамчиқ» довоининг яқинлиги ҳам кўл келмоқда. Ана шулар эвазига ўзим ҳам кейинги 3-4 йилда 50 нафар хотин-қиз ва касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга эришим.

— Очиғи, кўпчилик йигит-қизлар, бординги, баъзи катта ёшдагилар ҳам шаҳарга бориб ишлаш ва яшашга интилишади. Бизда ундай эмас. Ёшларимиз кишлоқда ташкил этилган замонавий коллежга ўқиб, бирор касб эгаси бўлишга ҳаракат қилишади, — дейди «Курама» кишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган «Четсув» агроиктисодиёт касб-хўнар кол-

лежи ўқитувчиси Юлдуз Абдусаматова. — Ўзим ҳам дарсдан бўш пайларимда оилавий тадбиркорлик билан шугулланаман. Юқори курсда таълим олаётган талабаларимни ҳам келажақда тадбирли бўлишга, эгаллаётган касбларига нисбатан тўла масъулият билан ёндашишга даъват этман. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмапти. Ҳозир кишлоқ оилаларида 2-3 нафардан ёш тадбиркор бор. Бунинг эвазига улар ўз келажақларини ўзлари яратишмоқда. Навқирон йигит-қизлар уйлар қуришиб, тўйлар қилишяпти, замонавий машиналарни сотиб олишяпти. Мен ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси юртимиздаги тинчлик, олиб борилаётган одилонга сиёсат, хусусан, ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор самарасидир.

«Кўксарой», «Четсув» кишлоқларида бўлиб, ким билан суҳбатлашманг, ана шундай фикрларни эшитасиз. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ўзининг «Соғлом оила — мустақам оила» мавзига бағишланган навбатдаги давра суҳбатини айнан «Четсув» кишлоқда ўтказишга қарор қилди.

— Аслида биз тадбирдан кўзланган мақсадимизга тўла эришдик, — дейди О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими мудири Муяссар Жамолдинова. — Тадбирнинг яна бир фойдали жиҳати шу бўлдики, «Четсув» агроиктисодиёт касб-хўнар коллежиди О'zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинди. Ҳозирча унинг 5 нафар устоз-мураббийлардан иборат аъзоси бор. Тўғри, бу айтарли кўп эмас. Бироқ вилоят марказидан қарий 140 километр олисда партия кўйи бўғинининг ташкил этилиши эътиборга моликдир. Бу борадаги изла-нишлар босқичма-босқич давом эттирилади. Зеро, бизнинг партиямиз омма билан кучли ва барқарордир.

О'zLiDeP машаббуси



Болажонларимиз — жонажонларимиз

БОЛАЛИК ЭНГ БЕГУБОР ВА ПОКИЗА ТУЙҒУЛАР САЛТАНАТИ, ДЕСАК ХАТО БЎЛМАС

Нафиса ЭЛЧИЕВА

Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўша даврини самимий соғинч ҳисси билан эслайди.

Кўҳон ва Наманган шаҳарларида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирларда ана шундай муносабат ҳукмронлик қилганига гувоҳ бўлдик. Бир қарашда бу тадбир ўша кўни мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ҳатто энг чекка кишлоқларида ўтган тадбирлардан фарқ қилгани йўқ. Аммо...

Халқ депутатлари Кўҳон шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Мўқимий номидидаги истироҳат бондида уюштирилган «Болажонлар — ширинтойлар» акцияси ҳақиқатан ҳам меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларимиз кўнглини олишга хизмат қилди. Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, беғарас ва танти ҳомийлар шу кўни том маънода болажонлар хизматида бўлдилар. О'zLiDeP аъзолари томонидан ишга туширилган мўъжазгина истироҳат бондида замонавий каруселлар, сузиш ҳавзаларида кўзлари шодликдан ёнаётган болажонлар кайфияти бутун кечага тарқалди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси А.Аҳмедов энди шаҳардаги болалар уйлари тарбияланувчилари учун ана шу мўъжаз майдон эшиклари доимо очик бўлишини таъкидлади.

«Аёллар кенгаши» жамоатчилик жағфармаси Фарғона вилоят филиали раиси Ҳадича Назарованинг фикрича, шу кўни бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки кайфиятда ўтган. 12-сонли меҳрибонлик уйи раҳбари Раҳбархон Мирзаева ва 17-сонли меҳрибонлик уйи

директори Дилафрўз Тиллабоева эса Кўҳон шаҳар ҳокимлиги ва «Техника» масъулият чекланган жамияти мутасаддиларига миннатдорлик билдириб, бундай кечалар мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани натижаси эканини таъкидладилар.

«Болажонлар — ширинтойлар» акциясида узундан-узун маърузалар ўрнига кўй ва қўшиқлар янгради. Болаларга қўшилиб барча бирдек ўйин-кулгудан маст бўлди.

Зеро, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон қандай улкан ютук ва натижаларга эришган бўлса, улар болажонларимизга аталганнинг нишониси эди бу. «Биз Ўзбекистон фарзандимиз» мавзуда асфальтга расм чизиб бўйича ўтказилган танлов голибларидан бири ўзинг аталган совғани олар экан, мен бахтирман, деганида икки юз чоғли киши даврани гўлдурос қарсақларга тўлдирди.

Сўранг, жавоб берамиз!

ТҲЙЛАР ТАРТИБГА СОЛИНИШИ КЕРАК

«Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида тўйларни тартибга солиш юзасидан қарор қабул қилинганини эшитдим. Имкон бўлса, мазкур ҳужжат мазмунини ва ундан кўзда тутилган мақсад ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

Шавкат Исмоилов, Тошкент шаҳри».

— Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимизда ташкил этилаётган тўй ва маъракаларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг қарори эълон қилинди, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, О'zLiDeP аъзоси Музаффар Абдуллаев. — Маълумки, тўй ва тантаналар одатда одамларни бирлаштирувчи, бир-бирини яқинлаштирувчи маросимдир. Аммо кейинги пайтда айрим тўйларимиз обрў ортириш тадбирлари айланаётгани кўзга ташланаёпти. Боз устига, ана шундай «супер-тўйлар» оқибати-

да бошқа ноқулайликлар ҳам юзада келмоқда. Айтилик, тўй эгасининг ош бериш маросимига 1000 га яқин меҳмон таклиф этилиши, ўз навбатида, бундай тўйларнинг саҳар соат 4 ва 5 ларга белгиланиши одатий ҳолга айланаёпти. Бу эса тўйхоналар, кафе ва рестороанлар жойлашган худуд аҳолисининг тинчини бузиб, меҳнат унумдорлигига ҳам таъсир этаёпти. Айрим тўйларга кетадиган сарф-харажатлар эса баъзан фуқароларимизни қарз ботқонига етаклаётганига ҳам гувоҳ бўлаёпти. Ана шундай бир пайтда мазкур қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди, дейиш

мумкин. Зеро, қарорда рестороан, кафе ва тўйхоналарда иш кунлари тўй ва маросим муносабати билан соат 7.00 дан 9.00 гача ёки 12.00 дан 14.00 гача ош бериш ҳамда соат 23.00 дан кейин тўй ва базмларни давом эттириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича билдирилган таклифлар қўллаб-қувватланиши айтилган. Бундан ташқари, ҳужжатда тўй давомида хорижий автоуловларни ижарага олиб, шаҳар айланиш ҳолатларини тартибга солиш ва булар бўйича аниқ меъёр ўрна-тиш, тўй-хашам бўлиб ўтадиган жойларда пластик картончалар, пул ўтказиш йўли ва банк кредити орқали ўтказилдиган тўловларни қабул қилишда ҳеч қандай чекловларсиз, бир хил нархлар татбиқ этилиши белгиланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўёсам

Холис муносабат соғлом рақобат асосидир

АММО ЎЗХДП ФАОЛЛАРИ АНА ШУНДАЙ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАБ ЕТМАЯПТИЛАР

Маълумки, Ўзбекистонда миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси сифатида танлаб олинди.

лари асосий айбдор, деган хулоса келиб чиқмайдими?

Албатта, сиёсий партияларнинг жойлардаги вакиллари, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатлари аниқ ҳаётий масалаларни ўрганиб, уларни туман кенгаши сессиялари муҳокамасига олиб чиқишлари лозим. Бу бошқа масала, албатта.

Энди «O'zLiDePга мурожаат қилгандик, аммо...» мақоласини кўриб чиқайлик. Унда Чуст туманидаги «Само нур мағрур» корхонаси раҳбари Самаджон Дадажоновнинг кредит ололмаганида яна O'zLiDePдан сайланган депутатлар қораланади.

«ЛИБЕРАЛЛАРНИНГ ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ» НОМЛИ МАҚОЛА ҲАММАСИДАН ЎТИБ ТУШГАННИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. УНДА ЎЗХДП ФАОЛИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВАКИЛИ, СИРДАРЁ ТУМАНИ ҲОКИМИ БАҲОДИР СУВОНОВГА «O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИГА НИСБАТАН ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРИШ»НИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ. БУНДАЙ ҚАРАШ «КЕЛИНГ, ЭНДИ ҲОКИМ БУВА, СИЗ ЯНА ДЕПУТАТЛАРНИ ЎЗИНГИ БОШҚАРМАСАНГИЗ БЎЛМАЙПТИ», ДЕГАН МАЪНОНИ АНГЛАТМАЙДИМИ?

2012 йилнинг 17 май сонида эса Самарқандда «айрим тadbirkorлар турли муаммоларга дуч келиб, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетаётгани сир эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги маъсулотларини қайта ишлаш, маҳсаб-савзотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш режаси тўлиқ бажарилмагани» тилга олинади. Албатта, ЎЗХДПнинг хусусий сектор эгалари тadbirkorлар фаолиятига нисбатан бундай куюнчақлиги ҳар қанча таҳсинга сазовор. Аммо бундай муносабат маҳаллий ҳокимликлар зиммасидаги вазифаларни сиёсий партиялар зиммасига юклаш лозим, деган фикрнинг келтириб чиқармаётганими?

Шу ўринда «Либералларнинг эътиборсизлиги» номли мақола ҳаммасидан ўтиб тушганини таъкидлаш жоиз. Унда ЎЗХДП фаоли «Миллий тикланиш» демократик партияси вакили, Сирдарё тумани ҳокими Баҳодир Сувоновга «O'zLiDeP депутатлик гуруҳига нисбатан талабчанликни ошириш»ни маслаҳат беради. Бундай қараш «келинг, энди ҳоким бува, сиз яна депутатларни ўзингиз бошқармасангиз бўлмайпми», деган маънони аниқлаётганими?

Хўш, ХДП нашрида изчил эълон қилинаётган ва асосан ана шундай гоя сингдирилган мақолалар сони тобора ортиб бораётганидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бизнингча, ХДПнинг айрим фаоллари ҳалигача демократик ислохотлар

дан кўзда тутилган асл мақсадни англаб етмаётдилар. Зеро, ислохотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялардан фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли хоҳиш иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органлари устидан назорат ўрнатиш талаб этилмоқда.

Ислохотларнинг янги босқичида вакиллик органлари билан ижро ҳокимиятининг ваколатлари ажратилган, бири иккинчиси фаоли-

тига аралашмаслик тамойилига қатъий амал қилинаётган бир пайтда ХДП нашри томонидан билиб-билмай илгари сурилаётган бундай фикрлар мамлакатни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни секинлаштиришга хизмат қилади, холос. Сохта оёру ортиришга қаратилган бундай уринишлар жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилишга йўналтирилган гоятда муҳим вазифалардан аҳолини узоқлаштиришга хизмат қилишини наҳотки ХДП фаоллари тушуниб етмаётган бўлсалар. Биз соғлом рақобат ва холис танқид таррақийга хизмат қилишини яхши англаб, сиёсий майдондаги рақобатни ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Аммо юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалаётган бир пайтда илгари сурилаётган бундай даъватлар биринчи галда ҳали онги-шуури тўла шакланмаган ёшларни жалб этиб қўйиши мумкин. Бу эса юртимиз манфаати, она дёиримиз равнақи ва келажакга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз йўлини тўсишга хизмат қилади, холос.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сиёсий партиянинг бош наشريки, вакиллик органи билан ижро ҳокимияти органи ваколатлари ўртасидаги тафовутни фарқлай олмай, вазиятни ўз қаричи билан ўлчаётган экан, ХДПнинг жойлардаги вакилларидан қандай натижа кутиш мумкин, деган ўйга бордик.

«Ёшлар қаноти» — ҳаракатда



Навқирон авлод — жамият таянчи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI ASR»

Белгиланган режа ва дастурий мақсадларни амалиётга татбиқ этиш, фаол демократик янгилинишлар жараёнида ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасида либерал-демократик гоялар ва қадриятларни кенг тарғиб қилиш, йигит-қизларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш учун ёш либерал-демократик гоялар ва қадриятлардан барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Энг муҳими, бу жараёнда бизнес юритиш истигаида бўлган ишбилармон ёшлар аниқлашиб, улар ҳақидаги маълумотлар бўлимининг кадрлар захираси рўйхатида киритилмоқда.

Йил бошидан бери ушбу масала юзасидан Самарқанд ва Каттақўрғон туманидаги коллежлари, Булунғур туманидаги саноат ва сервис, Каттақўрғон туманидаги Қадан қишлоқ хўжалиги, Иштихон туманидаги Халқобод, Жомбой туманидаги транспорт, Нарпай ва Пахтачи туманидаги автомобиль ва сервис, Пайариқ туманидаги Катта-турк, Қўшработ туманидаги Оқтепа ва Тайлоқ туманидаги машиноузи ширкати кўрсатиш, Пастдарғом туманидаги Чархин ижтимоий-иқтисодиёт, Нуробод туманидаги Саноат, Самарқанд туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, «Қамолот» ЁИХнинг Оқдарё туман бўлимида ўтказилган туркум тadbirkor ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Бунда навқирон авлод вакиллари миллий истиқлол гояларига сadoқат руҳида тарбиялаш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга устувор мақсад этиштирилади қаралапти. Айниқса, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Президентимизнинг «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнидаги илгирчилик ва охириги» номли маърузаси, шунингдек, Самарқанд иқтисодиёт коллежида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Тadbirkorларда партия вилоят кенгаши «Ёшлар билан ишлаш бўлими», «Сиёсий таълим маркази» ҳамда Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд минтақавий таҳлил маркази ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишди.

Олий таълим даргоҳлари ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, ёшларда тadbirkorлик ва фермерлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилдиغان «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» лойиҳалари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Бунинг натижасида ёш ишбилармон ва тadbirkorлар сафи тобора кенгайиб бораётди. Айни пайтда партия авзоси бўлган ёшларнинг 20 фоизи бевосита кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик билан шуғуллашишга қаратилган ҳам бежиз эмас.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мутасаддиларининг фикрича, тарғибот-ташвиқот тadbirkorларини чуқур билим ва салоҳиятга эга бўлган иқтидорли

йигит-қизлар орасида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

— Сиёсий жиҳатдан етарли тасаввурга эга бўлмаган кишилар орасида тарғибот олиб бориш бамисоли пой-деворсиз уй қуришга ўхшайди, — дея ўз фикрини давом эттиради бўлим мудири Азизбек Собиров. — Вилоятимизда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол қатлам — талабаларнинг қўлиги ишга янада жиддийроқ қараш, керак бўлса, ҳар бир партия авзосининг дунёқарши ва тушунчасига мос равишда ёндашишни талаб қилади. Зеро, мавжуд 19018 нафар партия авзосининг деярли ярми, тўғрироғи, 9468 нафари навқирон авлод вакиллари. Уларнинг 2213 нафари олий ўқув юртиларида таҳсил олишмоқда. Электорат доирасини имкон қадар тўлароқ қамраб олиш, турли тadbirkor ва лойиҳаларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаймиз. Бугунги кўнда вояга етмаган ёшларга кўпроқ эътибор қаратишимиз, улар маънавиятини соғломлаштириш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Ёшларнинг ахлоқий тарбиясини кучайтириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши курашиш мақсадида таълим-тарбия муассасалари, оила институти ва маҳаллалар ўртасида ўзаро уйғунлиқни таъминлаш, бу борада турли тарғибот воситалари, жумладан, матбуот имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида мувофиқдир. Ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳақида қаб бораркан, улар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар миқдосини кенгайтириш, навқирон авлод вакилларида бизнесни ташкил этиш ва юритишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, вилоят банкларини билан мустаҳкам амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади.

Самарқанд вилоят «Ёшлар қаноти» фаолияти билан танишув давомидо хайрли бир янгиликдан хабардор бўлдик. Маълум бўлишича, мавжуд 174 та лицей ва коллежда жами 191671 ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазат қилиш бошқармалари ўзаро ҳамкорликда битирувчиларни иш билан юз фоиз таъминлаш, уларнинг барчасига махсус сертификат беришни режалаштирмоқда. Бундай имконият ёшларнинг ҳаётда ўз муносиб ўринларини топшиларидо катта аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир.

Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, вилоят «Ёшлар қаноти» фаолиятида айрим камчиликлар йўқ эмас. Энг аввало, ҳисоботлар билан танишган одам ҳам «Ёшлар қаноти» асосан вилоят маъмурий маркази — Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган экан-да, деган хулосага келмай иложи йўқ.

Чунки марказдан узоқлашган сари тadbirkorлар қўлами, миқдоси пасайиб боради. Айниқса, Ургут туманида партиянинг ёшларга оид сиёсатида тўла масъулият билан ёндашилмай-тир. Миллий байрамлар, турли оммавий тadbirkorларни ўтказишда партиявий-сиёсий ташаббускорлик сезилмайди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида айрим туманларда битта-иккита тadbirkor ўтказилган ёки умуман ўтказилмаган. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Уйлаймизки, O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» мутасаддилари мавжуд камчиликларнинг сабабларини атофлича ўрганиб, уларни бартараф этиш ва аҳолини яхшилаш юзасидан зарур чора-тadbirkorларни кўришди.

Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ

Таҳлилчиларнинг фикрича, мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилиши айнан ана шу ислохотлар натижаси бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг партиялар фракциялари аъзоларидан ташкил топиши эса кўппартиявийлик тизими ривожига энг муҳим босқич бўлганини асослашга ҳолат йўқ. Шу ўринда халқоролар экспертлар томонидан 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун аниқ соҳадаги энг муҳим ҳужжат, дея эътироф этилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ўта муҳим роль ўйнаган ана шу қонун мамлакат сиёсий майдонидоги кучлар ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш, уларга тенг ваколат яратиш имконини берди.

Энг асосийси, ана шундай ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этиш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини назорат қилишдаги ролини янада кучайтирди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» эса ҳокимиятлар бўлиниши Конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чикрауви ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат таъсирчанлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Аммо ана шундай изчил ўзгаришларга қарамай, айрим нашрларимизда ҳалигача вакиллик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларни нотўғри талқин этиш ёки мазкур масала моҳиятини тўғри англамаслик ҳолатлари уч-

раётганини таъкидлаш мумкин. Бунга ЎЗХДП нашри — «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 19 январь сонидо эълон қилинган «Аниқ тақлиф ва ташаббуслар» мақоласини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Унда «... Қува, Сарюснён, Бойсун туманларидаги солиқ хизмати маслаҳатчилари, сўғурта компанияларига қулайлик яратадиган бошқа замонавий хизматлар етарли даражада ташкил этилмаган. Шунингдек, ушбу ва бошқа туманларда сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonалари, фото-салонлар, кийимларни тозалаш шохобчалари етишмайдди. Бундай мисолларни Олот, Пешку туманларидан ҳам келтириш мумкин», дейилади ва бундай ҳолатларга O'zLiDeP айбдор, дея хулоса чиқарилади.

Газетанинг 31 март сонидо эълон қилинган навбатдаги мақолада эса «Қайта ишлаш корхоналари нафақат фермер хўжаликлари, балки иқтисодиёт ривожига ҳам хизмат қилади. Лекин халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман кенгашидаги O'zLiDePдан сайланган депутатлар бунга етарли эътибор қаратмаётми», дейилади. Ҳа, чиндан ҳам, айрим худудларимизда қишлоқ мулкдорлари фаолиятига етарлича эътибор қаратилмаётганидан кўза юмиб бўлмайди. Бу маҳаллий ҳокимиятлар томонидан йўл қўйилаётган хатолар, соҳага бўлган эътиборсизлик натижасидир. Аммо бундай камчиликларда бевосита O'zLiDeP, «Адолат» ёки «Миллий тикланиш» партиялари аъзоларини айбдор қилиш мантиққа тўғри келармикин? Бу сиёсий партия вакилларини ижро ҳокимияти фаолиятига аралаштиришга даъват этиш эмасми?

Бейхитёр, ЎЗХДП нашри у ёки бу соҳани кучайтиришга кўмак бериши мумкин бўлган сиёсий партияларни маҳаллий дастурлар ижроини таъминлашга бурчи бўлган ҳокимиятлар билан аралаштириб юбормаётганими, дегинг келади.

Энг қизиғи, айнан халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман кенгашида ЎЗХДПнинг 12 кишидан иборат энг йирик депутатлик гуруҳи фаолият юритмоқда.

Агар биз тумандаги муайян соҳада камчиликлар бор, деб ҳисобласак, бунда ЎЗХДП депутат-

Хўжалик судлари фаолиятдан

Қонун ўзбошимчаликни кечирмайди

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ, АГРАР СОҲАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI ASR»

Зеро, дастурхонларимиз тўқинлиги кўп жиҳатдан ердан олиннадиган ҳосил тақдирига боғлиқдир. Шунинг учун фермерларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб, уларнинг қонуний ҳақ-хўқуқлари тўла қўллаб-қувватланмоқда. Лекин шарт-шароит етарли бўлса-да, ўтган йили давлатга пахта ва ғалла тайёрлашда ноконунносблик кўзга ташланди. Бу ҳақда Юртбошимиз 2011 йил якунларига бағишланган маърузасида қаттиқ қўйибди гапирганиги бежиз эмас. Тўғри, Самарқанд вилояти деҳқонлари ўтган йили давлатга режадаги 238 минг тонна ўрнига 251,5 минг тонна пахта, 270,2

минг тонна дон топириб, белгиланган шартномавий мажбуриятларини ортиги билан бажардилар. Хўш, натижа бундан-да юқорироқ бўлиши мумкинмиди? Жойларда ўтказилаётган таҳлиллар ўзбошимчилик, хўжасизлик ютуқларга соя солиб, баъзи бир фермерларнинг осон бойиш мақсадида ердан ноконуний фойдаланаётгани юқоридагидек ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Буни вилоят хўжалик судига туман ҳокимликлари томонидан ер-ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида киритилаётган даъво аризаларидан ҳам кўриш мумкин. — Ўтган йил давомида вилоят хўжалик судига шу мазмунда 4 та даъво аризаси келиб тушди, — дейди биз билан суҳбатда вилоят

хўжалик суди судьяси Манзура Ғиёсова. — Уларнинг 3 таси қаноатлантирилди. Ер қонунчилигини билиб-билмай бузиш даъво аризаларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Халқимизда «бир-ники мингга, мингники туманга», деган нақл бор. Бу бекорга айтилмаган, албатта. Мана, бир мисол. Пайариқ туманидаги «Чурон Тўпа» фермер хўжалиги ўзига билдирилган ишончли суғирта-сугирта қилиб, пахта ва ғалла экиладиган умумдор майдонда яқна тартибда уй-жой қуришга борган. Боз устига экин экиладиган ерларга масъул идоралар руқсатсиз тут қўчатлари ўтказилганини ҳам ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бугунги фермер ўз ҳақ-хўқуқларидан яхши хабардор бўлиши керак, албатта.

Суд мажлисида иштирок этган фермер қатор йиллардан бери давлат режаларини бажариб келаятгани, ўз «хато»ларини тузатганини айтиш, даъво аризасини рад этишни сўради. Аммо суд даъво аризасини қаноатлантириб, фермерга топширилган экин майдонларини ҳокимият ихтиёрига қайтаришга қарор қилди. Пастдарғом туман ҳокимлиги эса «Бекзод» фермер хўжалиги ихтиёрига 199,8 гектар серунум майдонни ишониб топширган эди. Ерни олган фермер ўз бурчини унутиб, қонуний мейёрларга амал қилмади, ўзбошимчиликка берилиб кетди. Энг ачинарлиси, 10 гектарлик пахта майдонлари бузилиб, макжаҳўҳори ва ловия экилган. Режадан ташқари 2 гектар ер полизчиликка ажратилган. Ўз хатти-ҳаракатидан ҳаволанган фермер қонунларни оёқости қилиб, ихтиёридаги ер майдонининг бир қисмини иккитамачи ижарага бериб юборди. Ваҳоланки, фермер хўжалиги билан Жума пахта тозалаш заводи ўртасида контракция шартномаси тузилган бўлиб, 2011 йил якуни бўйича 90,4 гектар ердан 233,7 тонна пахта топирилиши лозим эди. Бунинг учун пахта заводи «Қишлоқ-хўжалиқимиз» туман филиали томонидан фермерга етарли микдорда уруғлик чигит, зарур кимёвий ўғитлар етказиб берилган. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Қонунбузар фермер ўз хатти-ҳаракатлари учун суд органлари олдида тегишлича жавоб берадиган бўлди.

НАВОИЙ. O'zLiDeP Учкудук туман кенгашида фуқаролик жамияти ва уни ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг иштирокини кенгайтиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. БПТ раислари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари иштирок этган тадбирда O'zLiDeP олдига турган энг муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Хужайли тумани партия фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги йилги молиявий маблаглардан унумли фойдаланиш масаласига бағишланди. Тадбирда БПТларни моддий рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган партиявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан атрафлича фикр юритилди.

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрган тумани Болалар поликлиникаси қошидаги БПТда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганиш юзасидан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, партия фаоллари иштирок этиб, ушбу қонунни ўрганиш ва тарғиб этиш орқали туманда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

e-mail: asborotXKlasi@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 7 июнь, пайшанба, 23-(447)-сон

Ватанни севиш юксак масъулиятдир

— **ДЕЙДИ ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ «ПАХЛАВОН» ТАШХИС ВА ДАВОЛАШ МАРКАЗИ ШИФОКОРИ, O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ АБДУЛЛА ЙЎЛДОШЕВ**

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»



ридли. Айни кунда бу ерда замонавий тиббий хизмат кўрсатиляпти. Шу туфай-

сиёсий билимларини ошириш, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларни

ра суҳбатлари ташкил этамиз. Буларнинг бари БПТ ишини жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Янги замон одами бугунги ислохотлар жараёнининг оддий томошабини эмас, балки фаол иштирокчиси бўлиши лозим. Ана шундагина ҳуқуқий-демократик давлат куриш жараёни тезлашади. Очигини айтганда, бошқа соҳалар қаторида тиббиётда ҳам ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Уларни фақат соҳа ходимларигина теран англайдилар.

Назаримда, ўзи вакили бўлган сиёсий куч билан алоқани узиб қўйган етакчи ҳеч қачон электрат ишончини қозона олмайди. Туман кенгаши томонидан ташкил этиладиган барча тадбирларда қатнашишга, оммага яқин бўлишга ҳаракат қиламиз. Гоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Туманимизда оилавий тадбиркорлик, касаначилик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда икки юзга яқин хотин-қизни касаначилик соҳасида иш билан таъминладик, тадбиркорлар ёрдамида уларга тикув машиналари олиб бердик. Паррандачилик, мевачилик, лалимкор узумчиликдан даромад топаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб бораётди. Авазмалик қишлоғи фуқаролари тиббий хизмат даражасининг ноқорлигини билдиришиб, бошланғич таъминлаш билан бирга таъминлаш билан бирга партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишяпти. Бу борада Саид Файзуллаев, Нодира Худойбердиева, Дилором Собирова каби фаолларимизнинг номини алоҳида тилга олиш мумкин.

АВАЗМАЛИК ҚИШЛОҒИ ФУҚАРОЛАРИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАРАЖАСИНИНГ НОҚОРИЛИгини БИЛДИРИШИБ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИМИЗДАН ЁРДАМ СЎРАШГАН ЭДИ. МАРКАЗИМИЗ РАҲБАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ УЛОЧ ЯРАШЕВНИНГ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИ НАТИЖАСИДА ЯНГИ ҚВП ҚУРИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

ли аҳолининг партиямизга бўлган эътибори ва ишончи ортиб бормоқда. Умуман, ўтган давр мобайнида БПТ фаоллари кўмагида ўнлаб муаммоларнинг мақбул ечимлари топилди.

— **Марказ қошидаги бошланғич партия ташкилоти ўз олдига қандай мақсадларни қўйган? Бошқача айтганда, куйи бўлган ишнинг давр талаблари даражасида ташкил этиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Биринчи галдаги вазифа—партия аъзоларининг

тегишли партиявий топшириқлар билан қамраб олишдир. Мана шу икки тамойилга амал қилинмаган жойида кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Тан олиш керак ҳозирги қадар қорғоздагина фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари оз эмас. Улар ишини жиддий таҳлил қилиш, етакчиларни қайта синовдан ўтказиш вақти келди.

Масалан, ўзимиз ҳафтасига икки марта йиғилишиб, партиявий фаолиятни жонлантириш юзасидан фикрлашиб оламиз. Фаоллар иштирокида дав-

ра суҳбатлари ташкил этамиз. Буларнинг бари БПТ ишини жонлантиришга хизмат қилмоқда. Партиянинг сифат таркибини яхшилашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. 15 нафар аъзамизнинг барчаси билимдон ва ташаббускор кишилар. Шаҳримиздаги маҳаллалар ва қишлоқларда тез-тез бўлиб, эл саломатлигини таъминлаш билан бирга партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишяпти. Бу борада Саид Файзуллаев, Нодира Худойбердиева, Дилором Собирова каби фаолларимизнинг номини алоҳида тилга олиш мумкин.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Бошланғич ташкилотимизда Президентимизнинг «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир» номли маърузаси ҳамда «Мустақам оила йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, тегишли тадбирлар белгиланди.

O'zLiDeP электорати

ВОҲАДА ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Қашқадарёда Президентимизнинг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши ҳамда 2012 йилда паррандачилик соҳасини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли парҳез маҳсулотлари билан тўлдирish мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида паррандачилик соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг паррандачилик корхоналари ва фермер хўжалиқлари базаларида ўқув амалиётини ўташлари ҳамда келгусида уларни иш билан таъминлаш юзасидан алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу йил воҳада 38 та лойиҳа бўйича 163,5 минг бонга мўлжалланган паррандачилик фермер хўжалиқларини ташкил этиш юзасидан амалий ишлар давом эттириляпти.

Хусусан, «Маҳалла-жамғармаси ҳамда касаб уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 13 та тумanning 13 та маҳалласидаги 1130 та хонадонга 93 минг, ҳомийлик ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 50 минг бонг парранда тарқатиш режалаштирилган.

Шунингдек, республика вазирликлари тизимидagi вилоят ташкилотларида 196,5 минг бонг парранда ҳисобидан Ниспон туманидаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож 200 та оилага 4 минг бонг товуқ тарқатилди.

Куйи бўғинга юқори эътибор керак

O'ZLIDEP ANDIJON TUMAN KENGAHI MUTASADDLARI DIKQATIGA!



Илхомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

— Партия сафида бўлиш биз, шифокорларни ҳам гоявий-сиёсий жиҳатдан чиниктирмоқда, — дейди Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори, бошланғич партия ташкилоти раиси Гулнора Давронова. — Зеро, юртимиз тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, соҳада хусусий секторнинг улушини орттиришга кўмаклашиш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади. Буларнинг ҳаммаси электрат манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ, албатта.

Дарҳақиқат, тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти атрафига уюлган 37 нафар фаоллар либерал-демократик гояларни тарғиб-ташвиқ қилиш, «Саломатлик-2» дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этишмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда тумандаги 25 та қишлоқ врачлик пункти энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Энди уларни бошқариш масаласи кўндаланг турарди. Бунинг ҳам чораси топилди. Андижон давлат тиббиёт институти қошида очилган малака ошириш курсида барча умумий амалиёт

изланишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Натижада кейинги йилларда туманда аёлларнинг ўртача умри 67, эркакларники эса 73 ёшга узайди.

Партия аъзолари саъй-ҳаракати билан тиббиёт бирлашмасида маънавият хонаси ташкил этилган. Шу туфайли маънавий-маърифий, партиявий-ташқилий ишлар сифати яхшиланмоқда. Партия сафларида чиникқан фаолларга ишонч билдирилиб, улар депутатликка сайланмоқда. Масалан, қишлоқ врачлик пункти мудри Азимжон Тешабоев O'zLiDePдан туман кенгаши депутатлигига сайланди. Эндиликда у туман кенгашида партия электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай гоя тарғиботида қатъият ва собитқадамлик амалий иш билан исботланиши лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Бошланғич партия ташкилоти шифокор ва ҳамширалар ўртасида турли танловлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу борада «Мулдор оила», «Диплом билан — бизнесга» каби партиявий лойиҳалардан унумли фойдаланиляпти.

Шу ўринда бошланғич партия ташкилоти фаолиятида айрим камчиликлар кўзга ташланаётганини ҳам тан олиш лозим. Чунончи, ақсарият йиғилишларда муҳокама этилаётган масалалар анча жўн ва умумий. БПТ аъзоларининг барчаси ҳам сиёсий жиҳатдан фаол эмас. Улар ўртасида ташаббускорлик яққол сезилмапти. Партия туман кенгаши ана шундай ҳолатларни эътиборга олиб, бошланғич ташкилотга амалий ёрдамни кучайтирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Когонлик фаоллар янги қонунларни муҳокама қилмоқдалар

Халқ депутатлари Когон туман кенгаши депутати, O'zLiDeP аъзоси Абдулазиз Равшанов етакчилик қилаётган «Паррандаравшантранс» МЧЖ ташкил этилганига 6 йил бўлди.

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Ана шу давр мобайнида жамоа тўла шаклланиб, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эриша бошлади. Ҳаракатда — баракат, деганларидек, ўз касбининг жонқурларини, эл-юрт хизматида камарбаста инсонлар саъй-ҳаракати билан меҳнат унумдорлиги йил сайин ортиб бораёпти. Бундан ташқари, корхона жамоаси Далер Рўзиев бошчилигидаги паррандачи-

ликка истисослашган фермер хўжалиги билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган. Натижада «Паррандаравшантранс»да товуқлар бош сони ортиб, истеъмолчиларга тобора кўпроқ парҳез гўшт ва сифатли туҳум етказиб берилмоқда. Дастлабки йили корхонада атиги 3,5 мингта парранда парваришланган бўлса, бултур бу борадаги кўрсаткич 10 минг бошни ташкил этди. Эл дастурхонига 3 миллион донна туҳум тортиқ қилинди.

Кувонарлиси шундаки, корхона илғорларининг ақсарияти O'zLiDeP аъзола-

ридир. Улар бошланғич партия ташкилоти атрафида маҳкам жиқлашиб, нафақат ишлаб чиқариш, балки партиявий-сиёсий соҳада ҳам сезиларли натижаларни қўлга киритишмоқда. O'zLiDePчилар аҳоли истиқомат жойлари, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида тез-тез бўлиб, қабул қилинаётган янги қонунлар хусусида аҳолига кенг тушунтиришлар беришмоқда. Ёшлар тарбиясига оид долзарб масалалар ҳам партия фаолларининг назаридан четда қолаётгани йўқ.

БПТ фаоллари айни пайтда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарларига бағишланган юзмаюзи мулоқотлар ва давра суҳбатларига алоҳида

эътибор қаратаптилар. Тадбир иштирокчилари, турли ёшли кишилар, хусусан, талаба-ёшлар ушбу китоблар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга O'zLiDeP аъзоларидан атрафлича жавоб олиб, ке-

чаги кунни бугунги доридомон кунлар билан қиёслаш имконига эга бўлаптилар. Айтиш керакки, корхона қошидаги БПТ ўз атрафида 16 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Азиз Равшанов, Бону Шониезова, Дилдора Азиева, Солиха Болтаева, Шо-зода Жумаева, Иброҳим Юсупов сингари фаоллар туман миқёсида ўтказилган турли партиявий тадбирлар, ўқув семинарлари, анъанавий учрашувларнинг доимий иштирокчилари саналади. Шу тараққа улар электрат ичига чуқурроқ кириб бориб,

маслакдошлар ва сафдошлар сонини кўпайтиришга хизмат қилишмоқда.

Бугунги кунда туманининг Ниёзхожи, Ўба Чўли ва Мустақиллик қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли, бир қатор касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшлари O'zLiDePнинг дастурий гоя ва мақсадларидан яхши хабардор, десак хато қилмаймиз. Шу тариқа улар ҳам юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшишга интилишмоқда. Бу, шубҳасиз, «Паррандаравшантранс» МЧЖ қошидаги бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг кундалик фаолияти қутилган самараларни бераётганидан далолатдир.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси
2012 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИГА БПТлар учун имтиёзли ОБУНА
уюштириляётганини маълум қилади.

Мувожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Молия

Тадбиркор манфаати бирламчи

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИНИНГ ЖАМИ КРЕДИТ КЎЙИЛМАЛАРИ 2011 ЙИЛ 1 МАЙ ҲОЛАТИГА 20788,2 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИДА БУ БОРАДАГИ КЎРСАТКИЧ 23741,9 МЛН. СЎМГА ЕТДИ

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Бугун Хоразмда «Микрокредитбанк» кириб бормаган соҳа ёки тармоқ қолмади, десак муболага бўлмайди. Банк ўз олдига катта мақсадларни қўйиб, вилоятда яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг банкка бўлган ишончини муштаҳамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» ва 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида банк жамоаси барча имкониятларни ишга соляпти.

Биргина жорий йилнинг тўрт ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 7962,1 млн. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 3066,1 млн. сўм, савдо ва воситачилик соҳасига 359,8 млн. сўм, қурилиш ва машиини хизматни кенгайтиришга 2784,4 млн. сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 1464,9 млн. сўм, бошқа соҳаларга 286,9



млн. сўм йўналтирилди. Айна пайтда Хоразмда ўз бизнесини йўлга қўйиб, мулкдор бўлаётган ишбилармон хотин-қизларнинг кўпчилиги «Микрокредитбанк» мижози бўлиб, улар фаолияти ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг тўрт ойида 743 млн. сўм йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг шу даврига нисбатан 60 нафар хотин-қизга жами 781,0 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада 427 та янги иш ўрни яратилди.

Молия муассасаси томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тармоққа 2011 йилнинг тўрт ойи давомида 642 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг шу даври мобайнида 1270 млн. сўм кредит берилди. Натижада 306 та янги иш ўрни

яратилди. Вилоят аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам банкнинг диққат-эътиборида турган асосий масалалардан биридир. Буни жорий йилнинг тўрт ойи давомида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 564 млн. сўм кредит ажратилганидан ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш технологиялари учун 85 млн. сўм, хом ашё материаллари харид қилиш мақсадида 479 млн. сўмлик кредит йўналтирилди.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг тўрт ойида 68,9 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиб, 29 та янги иш

ўрни яратилди. 67 нафар битирувчилар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун жами 220,1 млн. сўмлик имтиёзли микрокредитларга эга бўлишди. Бунинг ҳисобига 86 та янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Микрокредитбанк» ОАТБ Хоразм вилоят филиали томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2011 йилнинг тўрт ойида ажратилган кредитлар эвазига 2048 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг 1 май ҳолатига миқдорларга ажратилган кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари эвазига 2768 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси миқдорларга жохон стандартлари даражасида хизмат кўрсатишга интилоқда. Бунинг учун эса барча имкониятлар сарфарбар этилмоқда.

Реклама ўрнида

Тадбир

ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕР ТИЛЛОГА ТЕНГ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигинда суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва самарадорлигини оширишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги жами 4 млн. 300 минг гектар суғориладиган ерларнинг 49 фоиздан кўпроги турли даражада шўрланган бўлиб, шунинг 219 минг гектаридан ер ости сизот сувлари қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрида ривожланишига тўқсинлик қиладиган даражада — 1,5 метр чуқурликда жойлашган. Айна пайтда бу ерларнинг сифатини яхшилаш учун 141 минг километрик коллектор-дренаж тармоқлари, 3474 та вертикал кудуқлар ва 123 та мелиоратив насос станцияларидан фойдаланилмоқда.

Шунингдек, «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан ажратилган 550 млрд. сўм ўзлаштирилиб, махсус мелиоратив тадбирлар ўтказилди, зарур техникалар сотиб олинди. Натижада 1 млн. 164 минг гектардан зиёд суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, сизот сувлари 2 метрча бўлган майдонлар 519 минг гектарга қамайди. Мазкур ҳудудларда пахта ва галла экинларидан олинган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнерга кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги

Реклама ўрнида

Тажриба ўзини оқламоқда

Носир ТОШЕВ,
«XXI ASR»

Шоли — қадимий бошоқли дон экинларидан бири бўлиб, ер юзи аҳолисининг қарийб тенг ярми учун асосий озиқ-овқат маҳсулотини ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида 145 млн. гектар майдонга шולי экилади ва ундан 600 млн. тонна атрофида ҳосил олинади. Айниқса, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари, Япония, Корея, Хитой, Ҳиндистон, Комбоджа, Таиланд, Вьетнам каби давлатларда ушбу маҳсулотнинг кадр-қиммати юқоридир.

Инсон организми учун зарур бўлган, таркибида оксилга бой моддаларни сақлайдиган гуруч бизнинг мамлакатимизда ҳам севиб истеъмол қилинади. Шоли етиштиришга ихтисослашган минтақаларда экинни парваришда илмий заминга асосланган бўлиб, унинг иқлим ва тупроқ шароитларига мос серхосил, истиқболли навлари амалиётга тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институти ва унинг жойлардаги филиаллари бу борада фаол иш олиб бораётир.

Институт Марказий Осиё ва Кавказorti республикалари ичида шолчиликка ихтисослашган ягона илмий даргоҳ бўлиб, ҳозирги кунда унинг таркибига Андижон, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари, Сирдарё таянч пункти ва Тошкент вилоятидаги Илмий-элита давлат хўжалиги қиради.

Шунингдек, нав яратиш ва физиология, шולי агротехикаси, жорий, татбиқ этиш ва патент, ахборот-ресурс бўлимлари, механизация, агрохимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, уруғчилик, дон-дуққалик экинлар лабораториялари ва аспирантура ҳам мавжуд.

Таъкидлаш кераки, шולי шўрланган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ўсимлик сифатида ҳам кадрлидир, — дейди биз билан суҳбатда институт директори Анвар Абдуллаев. — Шолিপояларни узок вақт сувга бостириш натижасида тупроқнинг шўри ювилиб, ғўза ва бошқа экинлар учун қулай агротехник шароит яратилади. Шоли экинлар майдонларда ғўзанинг энг кўп тарқалган ва ҳавфли касаллиги — вильт йўқолиб кетиши исботланган. Мушаккил йилларида юртимиз иқлимига мос, юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркундаларга қидамли шולי ва соя навлари яратилди. Бугун институтимизда шолнинг 587 дан ортик, соя ва мошининг 200 тага яқин коллекция намуналари мавжуд. Ана шу асосда яратилган шолнинг 12, соянинг 4, мошининг 4 хил навлари давлат реестрига киритилган.

1993 йилда кечпишар «Аланга» нави районлаштирилди. Кейинги йиллар мобайнида П.Пулина, Т.Исҳоқов, С.Рихсиева, Ҳ.Тилолов, Т.Асидов, Т.Текабаева ва Б.Керимқолова муаллифлигида истиқболли «Мушаккилик», «Истик-



бол» ва «Истикбол» навлари яратилди. «Искандар» («Аланга-3») ўрта-эртапишар шולי нави, шунингдек, «Марварид», «Навбахор», «Турсунбой», «Ситора», «Ахмад шולי», «Гулжаҳон», «Илғор» навлари ҳам айна кунда давлат синовидад ўтмоқда.

Соянинг «Орзу», мошининг «Наврўз» ва «Қаҳраб» навлари давлат нави синовида муваффақиятли ўтганлиги ва давлат реестрига киритилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг шолчилик соҳасидаги ютуқлари ЎзШТИИ фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Асосий эътибор юқори ҳосилли, тезпишар, ётиб қолмайдиган, тўкилиб кетмайдиган, сифатли гуруч берадиган навларни яратиш ва районлаштиришга қаратилган. Айна пайтда республикаимизда экиладиган шолнинг барча навлари, соянинг асосий навлари айнан ушбу институт жамоасининг саъй-ҳаракатлари самарасидир, бунда асосий экиндан гектаридан 50 центнер, такрорий экиндан 40 центнер ҳосил олиш ҳамда шу тарихқа ялли шолни хирмонини 1100 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугун республикаимиздаги 4 млн. гектардан зиёд экин майдонларидан шўрланган даражаси ошиб бормоқда. Ана шу ерларнинг 15 фоизга яқини кучли шўрланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, шолчилик учун бунинг салбий таъсири йўқ. Қайтагина ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда шולי яқини самара келтириши тажрибада исботланган. Шунинг учун юртимизнинг кучли шўрланган ҳудудларида шолчиликни йўлга қўйиш мақсадаги мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, шолнинг янги, истиқболли навларини яратиш, унинг илгор агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, экиннинг тавсия қилинган янги навларнинг сифати ва нав хусусиятларини сақланган ҳолда шолчилик хўжаликларига элита уруғликларига етказиб бериш бундан бундан ҳам институт жамоасининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқда ҳал қилувчи куч

Икки дарё оралиғида

ОҚДАРЕ ТУМАНИДАГИ «ҲИДОЯТ ЗША» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, О'ZLIDER АЪЗОСИ ҲИДОЯТ МАМАТОВА ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

Мазкур хўжалик аслида чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган. Лекин бугун мухтаassisлар бу фермер хўжалигини кўп тармоқли хўжалик сифатида эътироф этмоқдалар. Бунинг сабаби бор, албатта. Туман статистика бўлими маълумотларига кўра, 95 бош қорамол боқиб, ҳар йили давлатга 430 тоннадан зиёд сўт, 5 тоннадан ортик ғўлт топираётган хўжалик пахта, ғалла ва пилла етиштириш бўйича ҳам шартнома режаларини ошириб бажармоқда. Мисол учун, ўтган йили 10 гектар майдонга ғалла эккан фермер мавсум якунида 25 тонна сарадон сотган бўлса, 5 гектарлик майдондан 11 тонналик пахта хирмони кўтарди. Тиниб-тинчимас миришкорларнинг 860 килограммик пилла ҳосили эса қўшимча даромад манбаига айланди. Бу кўрсаткич йиллик режага нисбатан 136,5 фоиз дегани.

— Хўжалигимиз 2005 йилда Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги 65 гектарлик тошлоқ яйловда ташкил этилган, — дейди Ҳидоят Маматова. — Иш

бошлаган пайтимизда бундай тошлоқ ерда фақат чорва боқиш мумкин, экин экиб ҳосил олиш амри маҳол, дегувчилар кўп бўлди. Бундай гап-сўзларга қарамасдан, астойдил меҳнат қилдик. Сув яқин бўлгани учун анчагина жойни тошдан тозалаб, пахта ва ғалла эдик. Яна бир қисмига мевали кўчат ниҳолларини ўтқазиб, кичик боғ яратдик. Ҳовуз очиб, балик етиштириш бошладик.

Дарҳақиқат, оғир меҳнат зое кетмади. «Ҳидоят ЗША» атиги 5-6 йил ичида тумандаги донгдор фермер хўжаликларида бирага айланди. Бугун хўжалиқда 12 киши меҳнат қилмоқда. Шунингдек, ҳар мавсумда 40-50 нафар ёлланма ишчилар жалб этилмоқда. Яйлов билан қўшиб ҳисоблаганда, жами 114 гектар ерга ишлов беришнинг ўзи бўлмайди.

Олинган фойда эвазига техника парк ҳам янгиланмоқда. Дарвоқе, Ҳидоят она билан хўжалик ҳалаларини айланар эканмиз, катта қурилишга дуч келдик.

— Бу ерга паррандачилик мажмуи қураямиз, — дейди ҳамроҳим. — Аввало, мана шу иморатни кўтариш ва уни замонавий технологик линия билан жиҳозлаш мақсадида

банкдан 130 миллион сўм кредит олдик. Уни мустақиллик байрамига ишга туширишни ният қилганмиз. Мақсадимизга эришсак, қишлоғимиздаги қанчадан-қанча йигит-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлади.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл беҳиз айтилмаган экан. Гап шундаки, Ҳидоят онанинг ўғли, «Гулсумхоним чевари» хусусий корхонаси раҳбари Шўхрат Аҳмедов ҳам тадбиркорликка қўл уриб, янги иш жойлари очишга жиддий киришган. Шунинг учун ҳам «Бошдархон» маҳалласи ҳудудида бўш қолган маъмурий бинони олиб, уни замонавий тикув цехига айлантириш ҳаракатида юрибди.

— Ҳар кунги иш вақтинини эрта тонгда дала айланмишдан бошлайман, — дейди Ҳидоят она. — Ва, ҳар гал Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалигини юритишининг шундай механизминини яратиш кераки, у ҳар бир дехқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирилган маҳсулотга мустақил эгаллик қилиш, ўз оиласининг тўқинлигини таъминлаш имконини таъминлаш, деган даъватларини эслаيمان. Давлат менга мулкдор бўлиш учун қулай шароит яратиб, икки дарё оралиғидаги



шунча ерга мустақил эгаллик қилиш ҳуқуқини берган экан, зиммандаги масъулият юки қанчалик оғирлигини чин дилдан англайман. Биласизми, айнан мана шу ҳиссиёт менга куч-қувват бағишляпти.

— Ҳидоят Маматова партияимиз фаоли сифатида ҳам кўпчилика ўрناк бўляпти, — дейди О'ZLIDER вилот кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Ботиров. — Тадбиркорлик интилишлари юқори бўлгани боис «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг вилот босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичининг «Энг яқини фермер» йўналишида совриндорлар қаторидан жой олди. Шунингдек, ўтган йили «Йил аёли» миллий танловида иштирок этиб,

«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг махсус диплом ва сертификатига сазовор бўлди.

Тадқиқотчиларнинг ҳулосаларига кўра, замонавий фермер раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятидан ташқари бир вақтининг ўзида яна қатор касбунардан етарли даражада хабардор бўлмоғи керак. Ер ва сувнинг табиий хоссаи, агрономия ва селекция дейсизми, техника ва энергетика воситаларидан оқилона фойдалана олишга доир билимлар ёки режалаштириш ҳамда ҳисоб-китоб бўладими — бўларнинг бари бугунги фермер учун жуда муҳим. Назаримизда, ана шу хислат ва фазилатлар Ҳидоят Маматовада тўла мужассам.

Халқаро ҳаёт

Хатарли йўл

ДУНЁ АҲОЛИСИНING 1,2 МИЛЛИАРДИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВГА МУҲТОЖЛИК СЕЗАЯПТИ

Маълумотларга қараганда, дунёда 260 дан ортиқ трансчегаравий дарё бор. Уларнинг 70 таси Европада, 53 таси Осиё, 39 таси Шимолий ва Марказий Америка, 38 таси Жанубий Америкада ва, нихоят, 60 таси Африка ҳудудига жойлашган.

Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ

Соҳа мутахассислари уларнинг 155 таси икки, 100 дан ортиқроғи эса уч ёки undan кўпроқ давлатлар ҳудудидан ўтганини таъкидламоқдалар. Шу ўринда трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраганини, бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилишини тилга олиш лозим.

Гарчи она-сайёрамизнинг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса-да, чўчүк сув умумий сув миқдорининг 2 фоизини ташкил этаётгани ушбу заҳираларни муҳофаза қилиш, ифлосланишдан сақлаш ва тежаб-теграб фойдаланиш масаласини энг долзарб масалага айлантди. Чўчүк айна пайтда Ер юзи аҳолисининг 1,2 миллиарди тоза ичимлик сувга муҳтожлик сезаяпти, 2,3 миллиард аҳоли эса истеъмолга яроқсиз сувдан фойдаланмоқда. Дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик сув етишмайдиган ҳудудларда яшайётганини ҳам унутмаслик лозим. Айна шунинг учун ҳам сув масаласи 1977 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти даражасида муҳокама этиб келинаяпти. Бу ҳолат кейинги 50-55 йилда инсониятнинг сув ресурсларидан ҳўжасизларча фойдаланиши оқибатида келиб чиқди, десак хато бўлмайди. Ҳозирда сув танқислиги Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёни ўз гирдобига тортмоқда. Ҳатто ҳудудда йирик дарёлар бўлишига қарамай, Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ҳам ичимлик сув етишмаслигидан азият чекмоқда.

Маълумки, кейинги пайтларда Осиё ва Африка ҳамда Латин Америка минтақаларида трансчегаравий дарёлардан аҳоли фойдаланиши муаммоси ана шу дарёлар бўйларида янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш билан боғлиқ лойиҳаларнинг юзага келиши оқибатида янада долзарб аҳамият касб эта бошлади.

Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида сўнгги ярим асрда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича 500 дан ортиқ халқаро моҳаролар ва 40 дан ортиқ низолар келиб чиққан.

Зеро, белгиланган халқаро меъёрларга мувофиқ, сув ҳавзасида жойлашган давлатлар ўз ҳудудларидан трансчегаравий сув оқимларидан одилона фойдаланишлари, уни зарур даражада муҳофаза қилишлари лозим.

Халқаро келишув ва конвенцияларда ҳам трансчегаравий объектлар таъсири ҳудудда жойлашган барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш кўйд этилган. БМТ конвенцияларининг асосий талабларига мувофиқ, трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида янги гидротехник иншоотларнинг техник-иқтисодий асослари мажбурий тарзда халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳолис экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгиланган. Трансчегаравий таъсири баҳолашда эса ўнглаб бўлмайдиган салбий экологик оқибатлар юзага келмаслиги кафолатланиши лозим.

Трансчегаравий сувлардан фойда-

ланиш бўйича дунё тажрибаси бу соҳада ҳамкорлик органлари тузиш мамлакатларнинг халқаро талабларга муносабатларини мувофиқлаштириб турувчи муҳим бўгин эканини эътироф этади. Жумладан, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича АҚШ-Канада Бирлашган ҳамкорлик комиссияси, Рейн комиссияси, Ҳиндистон-Покистон, Жанубий Африка шартномаси сингари ҳужжатлар имзоланганига қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Трансчегаравий дарёлар сувининг асосий қисми ўз ҳудудда ҳосил бўладиган мамлакатларга мазкур сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланишни ўз ҳошига кўра ҳал этиши халқаро ҳуқуқ меъёрларига асло мос келмайди. Бинобарин, ҳозирги кунда ўзига хос курғоқчилик иқлимга эга бўлган, Орол денгизи қуриши сабабли экологик инқирозни бошидан кечираётган Марказий Осиё учун ҳам бу масала ўта муҳим аҳамиятга эга.

Очиғи, сув ресурслари Марказий Осиё давлатларининг ҳам иқтимоий-иқтисодий ва экологик аҳолини белгиланган асосий омиллардан биридир. Амударё ва Сирдарё сувлари асрлар давомида минтақамиз аҳолисининг истеъмол ва ҳўжалик эҳтиёжларини қондириб келган. Аммо Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан ушбу дарёлар трансчегаравий дарёлар мақомини олди. Натижада сув ресурсларидан фойдаланишда бир қатор муаммолар пайдо бўла бошлади.

Минтақада сув ресурсларининг табиий равишда бир текис тақсимланмагани Сирдарё ва Амударёнинг юқори қисмида барпо этилиши режалаштирилатган гидроиншоотларнинг ишлаш тартибига ҳам таъсир этмай қолмайди. Ҳеч кимга сир эмаски, мавжуд ирригация-энергетик сув омборларидан (Тўхтагул, Қайроқум, Курпсой, Нурек, Бойпазин ва ҳоказо.) электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланишда катта манфаат бор. Лекин гидроиншоотлардан ушбу тартибда фойдаланиш дарёнинг кўйи оқимида жойлашган давлатлар билан ҳисоблашмасдан тошқин даврида куз ва қишда йирилган оби-ҳаётни қўйиб юбориш эҳтимолини пайдо қилади. Вегетация даврида, баҳор ва ёзда эса ирригация-мелиорация тизими керакли ҳажмда сув билан таъминланмайди. Бунда сунъий равишда сув танқислиги муаммоси вуқудга келади. Шунга қарамай, янги сув омборлари ва гидроэлектрстанциялар, хусусан, Зарафшон дарёсидан Яён, Вахшда Роғун, Норинда эса Қамбарота каскадини қуриш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқда «Қўлаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди», дея масалага ҳолисона ёндашганини эътироф этиш жоиз.


Трансчегаравий сув ҳавзаларидан фойдаланиш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда тегишли чо-

ралар кўрилмаса, бу ҳол дарёларнинг кўйи оқимида жойлашган мамлакатлар учун бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, етарлича сув билан таъминланмаслик, айниқса, сугориладиган деҳқончиликка жиддий таъсир кўрсатиб, ер шўрланишининг кескин ортиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зиён етиши, табиий ўзанларнинг йўқ бўлиб кетиши, ер ости чўчүк сув захираларининг эса камайиши каби бир қатор экологик муаммолар юзага келади.

Шу боис сўнгги пайтларда атроф-муҳит муҳофазаси, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш мавзусидаги нуфузли халқаро анжуманларда халқаро ҳамжамият, Европа давлатлари ва Европа комиссияси вакиллари кенг жамоатчиликнинг асрлар давомида қарор топган ҳамда иқтисодийнинг барқарор ривожланиши ва миллионлаб кишилар учун кун кечириш манбаи бўлган дарёларда сув ҳажми ва тартиби ўзгармаслигини кафолатловчи ҳолис экологик экспертизасиз гидротехник иншоотларни қуришга қарши эканликларини, шунингдек, минтақа экологияси учун, айниқса, Орол денгизи ҳавзаси учун янги таҳдидларга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар. Хусусан, 12-17 март кунлари Франциянинг Марсел шаҳрида ўтган Жаҳон сув форумида Ўзбекистоннинг Роғун ГЭСи бўйича позицияси қўлаб-қувватланди. Ўзбекистон томони мазкур сув форумида трансчегаравий дарёлар сувлари миллий табиий захира сифатида қабул қилинмаслиги кераклиги ҳақидаги масалани кўтарган эди.

Аммо халқаро ҳамжамият қаршилигига қарамай, Тожикистонда тўғони дунёда энг баланд – 350 метр бўладиган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича уринишлар яна фаоллашган кузатилмоқда. Маълумки, XX асрнинг 70-йиллари бошида айрим «дахо»лар остида туғилган ва КПССнинг XXIV съезида маъқулланган ушбу лойиҳа мўрт эканини соҳа мутахассислари алоҳида таъкидламоқдалар. Одамлар ҳаётга зомин бўлган Санго-Шушенск ГЭСидаги ҳалокат ҳам ушбу лойиҳа муҳандислик нуқтаи назаридан пуч ва истиқболсиз эканини исботлади. Чўчүк ушбу улкан иншоот ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси учун асос қилиб олинган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ барпо этилган эди.

Боз устига экспертиза натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Роғун гидроэлектрининг илгари барпо этилган иншоотлари қурилиши чоғида ушбу эскирган қурилиш нормалари ҳам қўпол равишда бузилган. Уша даврда қурилган машина залининг қарама-қарши деворлари бир-бирига томон 90 сантиметрдан зиёд силжиганининг ўзиёқ бу фикрга далил бўла олади. Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, қурилиш участкаси учун жой ҳам мутлақ нотўғри танланган. Негаки ушбу майдон рихтер шкаласи бўйича 9 ва undan юқори балли ҳалокатли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Иляк-Вахш ёриғи зонасида жойлашган. Ушбу ҳудудда юз берган 9 балли зилзилалар 1907 йили Қоратог, 1911 йили Сарез дараси, 1949 йили Хайтни ларзага келтирганини, 100 миңдан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлганини тожикистонликлар ҳали унуттишгани йўқ. Тожикистоннинг етакчи сейсмологлари ушбу зилзилалар юзага келган жараёнлар таҳлили асосида Роғун ГЭСи қуриладиган ҳудудда кейинги ўн йилликда кучли ер силжигишлари юз бериши мумкинлигини ҳам баъшорат қилмоқдалар. Роғун ГЭСи ишга тушириладиган бўлса,



тўғон остида қоладиган юз метр қалинликдаги туз қатлами ушбу улкан техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради. Ушбу туз қатламининг сув таъсирида доимий ювилиб туриши, ҳаттоки сезилар-сезилмас сейсмик силжигишлар ҳам 350 метрлик уйма тўғоннинг ўпирилишига олиб келиши муқаррар. Бундай ҳолат рўй берадиган бўлса, ер сатҳдан 100 метр баланд бўлган тулқин пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда ёпирилади. Оқибатда қўйида жойлашган Нурек ГЭСи тўғонини бутунлай ўпириб, янада баландашадиган

ва Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭС ва гидроэлектрларни вайрон қилади. Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ўнлаб шаҳар ва аҳоли пунктлари сув остида қолади. Марказий Осиё минтақасида эса мисли қўрилмаган техноген ва экологик ҳалокат юзага келади.

Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзага келтирадиган хавфларни қайд этарканмиз, унинг Тожикистон ва қўшни давлатлар экологияси, биохилма-хиллиги ҳамда миллионлаб одамлар истиқомат қилаётган жойларга етказадиган муқаррар жо-

ли таъсирини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лойиҳа бўйича 14 куб километр сизимга эга Роғун ГЭСи сув омборини тўлдириш учун саккиз йил керак бўлади. Бу даврда Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг кўйи қисмидаги ҳудудларда узок йиллар курғоқчилик юзага келади. Роғун сув омбори тўла қувват билан ишга тушгач, ГЭСнинг энергетик иш режимига ўтказилиши ёз-кўз мавсумида омборда сув тўпланиши сабабли курғоқчилик ва сув танқислигини юзага келтириши, қиш мавсумида эса электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида сув омборидан катта миқдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серҳосил ерларни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин. Бундай вазият Ўзбекистон ва Туркманистоннинг миллионлаб аҳолисини муҳим ҳаётини манбалардан маҳрум этади.

Тез-тез содир бўлиб турадиган сув тақчиллиги ва курғоқчилик йилларида Амударё суви Оролбўйи ҳудудларига деярли етиб бормади, глобал миқёсдаги ушбу экологик ҳамда иқтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам Роғун ГЭСининг қурилиши халқаро нормаларнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Негаки барча параметрларга кўра, Амударё трансчегаравий сув оқими бўлиб, унинг сувидан фойдаланиш режимини ўзгартириш билан боғлиқ ҳар қандай қурилиш ушбу дарё ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган қўшни давлатларнинг розилиги билангина амалга оширилиши керак.

Зеро, ҳаётнинг ўзи ва ҳозирги дунё воқеликлари барчамиздан иқтисодий, биринчи навбатда, энергетика стратегиясини амалга оширишда эски ва сийқаси чиққан бир томонлама ёндашувлардан воз кечиши, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича БМТнинг тегишли конвенцияларига қатъий риоя қилиниши, ўз ҳудудида минтақадagi табиий-экологик, коммуникация ва инфратузилма алоқалар ягона тизимининг ажралмас бир бўғини сифатида қарашни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар ҳудудида йирик гидроиншоотлар қуришга эъри берилаётгани нафақат минтақада, балки ҳорижда ҳам мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг қизғин муҳокама маркасида бўлиб қолаётгани бежиз эмас. Бу борада дунё матбуотида кўлаб ҳолис, эксперт ва мутахассислар чиқишлар қилинаяпти. Агар шу нуқтаи назардан айтадиган бўлсак, ҳар жиҳатдан ҳақ эканлиги ўз-ўзидан равшандир.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

БАНК ИТТИФОҚИ ТУЗИЛАДИМИ?

Еврокомиссиянинг амалдаги раиси Жозе-Мануэл Баррозу ва Германия канцлери Ангела Меркель Европанинг йирик банклари устидан назорат қилиб турадиган назорат органини тузиш масаласини муҳокама қилди. «Биз миллий манфаатлар у қадар катта роль ўйнамаслиги учун йирик банклар махсус назоратга эҳтиёж сезаётгани юзасидан фикр алмашидик», дея таъкидлади Меркель. Еврокомиссия аъзолари эса мазкур иттифоқни тузиш орқали муҳтож банкларни қўллаш ва бозорларни тинчлантириш имкони яратилади, деган фикрни билдирмоқдалар. Бироқ Шимолий ва Марказий Европанинг бир қатор мамлакатлари ҳозирча бу тақлифга ҳайрихоҳлик кўрсатмаяпти.

«ТОЖ МАҲАЛ» ЭШИКЛАРИ ҲАР КИМГА ҲАМ ОЧИЛМАЙДИ

Ҳиндистонда бетакрор тарихий обида — Тож Маҳал мақбарасини зиёрат қилувчи сайёҳлар оқимини қисқартиришга қарор қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад Бобурийлар сулоласи томонидан бунёд этилган ушбу меъморий ёдгорликни кўз қорачиқдек асрашдир. Чўчүк мамлакатта уни қўриш ва зиёрат қилиш учун келаётган сайёҳларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса дунёнинг етти мўъжзасидан бири бўлган ноёб обидага зиён етказиши мумкин.

ПОРТУГАЛИЯ ЯНГИ ЁРДАМ ОЛАДИ

Португалия ЕИ, Европа Марказий Банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси шартларини тўла бажарганлиги туфайли мамлакатга ажратилиши лозим бўлган 4 млрд. евро миқдоридagi навбатдаги молиявий ёрдамни оладиган бўлди. Бунинг Португалия молия вазир Витор Гашпар маълум қилди. Иқтисодий ёрдам кўрсатилиши эвазига консерватив Социал-демократик партия бошчилик қилаётган ҳукумат давлат харажатларини камайитириш бўйича қаттиқ чоралар кўришга, хусусан, иқтимоий эҳтиёжларни камайитириш, солиқларни ошириб, меҳнат қўнунчилигида ислохот ўтказишга мажбур бўлган. Молия вазир Гашпар эса ана шундай ўзгаришлар туфайли мамлакат молиявий соғломланиш йўлига ўтади, дея таъкидламоқда.



5 ВАЗИР ИШСIZ ҚОЛДИ

Япония ҳукумати раҳбари Ёсихико Нода янги вазирлар таркибини эълон қилди. Унда амалдаги бешта вазир, ўрнига янгилари тайинлангани таъкидланмоқда. Тахлилчилар бу ислохот Либерал-демократик партия таъаббуси билан амалга оширилганини тилга оляптилар. Ушбу жараёнда энг қутлимган воқеа, мудофаа вазир сифатида университет профессори 71 ёшли Сатоси Моримотонинг тайинлагани бўлди. У Япония тарихида ҳарбий муассасани бошқарган илк жисмоний шахс бўлади. Маълумки, Япониянинг аввалги Мудофаа вазир Наото Танака парламентнинг юқори палата депутатлари томонидан ҳарбий муаммоларни яши тушунамаслиқда айбланган эди. Шунингдек, давлат ерлари, инфратузилма ва транспорт вазир Такеси Маэда, адлия вазир Тосио Огава, молиявий тизим бўйича давлат вазир Сёдзубуро Зими, қишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик вазир Митихико Кано ҳам истеъфога чиқарилгани таъкидланмоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Сўнги саҳифа

Хабарлар



975 ГРАММЛИК МЎҶИЗА

Тайваннинг Gigabyte компанияси "дунёдаги энг энгил ноутбук" деган номга даъвогарлик қиладиган шахсий компьютерни тақдим этди. Маълумотларга кўра, оғирлиги 975 граммни ташкил этган ноутбукнинг корпуси соф карбондан, яъни энгил ва мустаҳкам деталларни ясашда фойдаланиладиган углевод толадан тайёрланган. Шу ўринда ингичка жойининг қаллиғлиги 16,5 мм.ни ташкил этган мазкур митти компьютер "энг юпка ноутбук" номига ҳам даъвогарлик қилиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз.

Intel-Ivy Bridge процессорларининг янги авлоди "энг энгил ноутбук"нинг юрагига айланган. Шу боис мутахассислар уни балки "ультрабук" деб номлаш кераклир, дейишмоқда. Ноутбук 4 гигабайт оператив хотира, юқори аниқликдаги видеони кўтарувчи график процессор, 128 Gb лик флэш-йиғувчи, Wi-Fi модуль ва бир неча портага эга.

100 МЛН. ТОННА ВОДИЛДА

Айни пайтда учта кўмир қонида иш олиб бораётган «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти Фарғона водийси аҳолиси ва корхоналарини ушбу ёқилғи маҳсулот билан таъминлашни яхшилаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида қарийб 100 млн. тонналик захирага эга бўлган Водил қонини ишга туширишни режалаштирмоқда. Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида жами 1832,8 млн. тонна, жумладан, 1786,5 млн. тонна кўнғир кўмир ҳамда 46,3 тонна тошкўмир захиралари аниқлангани, бугун ана шу табиий бойликлар 3 та қондан, яъни Ангрен кўнғир кўмир ҳавзаси, Сурхондарё вилоятидаги Шарғун ва Бойсун тошкўмир қонларидан қазиб олинаётгани таъкидланди.

«Ўзбеккўмир» томонидан йилга 3,8 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилаётган бўлса, ана шу ёқилғининг 85 фоизи электр қуввати ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берилмоқда, — дейди ОАЖ директори ўринбосари Анорбой Миродилов. — Мамлакатда кўмирга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида 2016 йилга қадар ана шу кўрсаткичи 6,4 млн. тоннага етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, йиғилишда ОАЖ ташаббуси билан кичик қозонхоналар, бино ва иншоотларни иситиш учун қулай бўлган кўмир брикетларни тайёрлаш йўлга қўйилгани, тошкўмир ишлаб чиқаришни йилга 900 минг тоннага етказиш мақсадида «Шарғункўмир» ОАЖни модернизациялаш лойиҳаси амалга оширилаётгани ҳақида ҳам маълумот берилди.

Энди ишончни оқлаш керак

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ — МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАНИНГ ЯНГИ МУРАББИЙ

Эртага Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш баҳслари доирасида Ливан терма жамоасига қарши майдонга тушади

Шухрат ХҲҲАЕВ, «XXI ASR»

Маълумки, 3 июнь куни пойтахтимиздаги «Жар» стадионида Эрон термаси билан ўйнаган футболчиларимиз 90 дақиқа давомида рақиб дарвозаси яқинида кўллаб ҳавфли вазиетларни уюштирган бўлсаларда, учрашувнинг сўнги сониясида тўп ўтказиб юбордилар. Шу тарихда терма жамоамиз «ЖЧ-2014» мусобақаси саралаш баҳсларининг 4-босқичини мағлубият (0:1) билан бошлашга мажбур бўлди. Аҳамиятли томони, ана шу қутилмаган натижадан тегишли ҳулоса чиқарган Ўзбекистон Футбол федерацияси айни пайтда миллий терма жамоани бошқариб келган Вадим Абрамовни истеъфога чиқаришга қарор қилди.

Сир эмас, ўзбек футболининг кўп сонли мухлислари УФФнинг мазкур қарорини кўллаб-қувватлаган бўлса-да, айрим ишқибозлар ўзгача фикрда.

Нима бўлганда ҳам, умид қиламизки, ўзбек футболининг ифтихори, янги мураббий — Миржалол Қосимов шогирдлари билан бирга саралаш босқичининг қолган ўйинларида ижобий натижага эришиб, ўзи тўп суриб юрган даврида дилига тугиб қўйган орзусини рўёбга чиқаришга, яъни жаҳон



чемпионати йўлланмасини кўлга киритишга эришади. Зеро, яқинда Япония, Австралия ва Жанубий Кореянинг кучли клубларини мағлуб этган «Бунёдкор»даги шогирдлари билан бирга Осиё чемпионлар лигаси чорак финалига чиққан мураббийнинг бу борадаги имкониятлари етарли, десак муболажа бўлмайди.

Маълумотларга кўра, 8 июнь куни (учрашув Тошкент вақти билан соат 18.00 да бошланади) Байрут шаҳрида Ливан термасига қарши майдонга тушадиган ҳамюртларимиз кеча кечкурун Яқин Шарқдаги мазкур мамлакатга етиб борганлар.


Эслатиб ўтиш жоиз: икки йилдан сўнг Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида Осиё шарофтини ҳимоя қилиш ҳуқуқини берувчи 4 та йўлланма учун айни пайтда қитъамизнинг 10 жамоаси икки

гурухга бўлинган ҳолда курашни давом эттирмоқда. Эрон, Жанубий Корея, Қатар ҳамда Ливан терма жамоалари қаторида «А» гурухидан ўрин олган вакилларимиз «ЖЧ-2014» мусобақасига тўғридан-тўғри йўл олиш учун ана шу бешликда дастлабки икки ўриндан бирини банд этишлари керак. «А» ҳамда Япония, Австралия, Уммон, Ироқ ва Иордания термалари ўрин олган «В» гурухларида 3-поғоналарни эгаллаган жамоалар аввалга «плей-офф» баҳсида ўзаро беллашадилар. Мазкур жуфтлик ғолиби эса Жанубий Америка вакили билан сўнги чипта тақдирини ҳал этиш имкониятига эга бўлади.

Дарвоқе, мазкур босқичнинг жами 8 турида иштирок этадиган ҳамюртларимиз гурухдаги сўнги учрашувни 2013 йилнинг 16 июнида Қатар термасига қарши ўз «уйлари»да ўтказадилар.

Кўшимча қулайлик

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН 30 ТА ВАГОН



«Тошкент метрополитени» ДУК раҳбари Бахтиёр Содиковнинг маълум қилишича, корхона мутасаддилари томонидан пойтахт ероти транспорт паркинги янгилаш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, Россиянинг «Метровагонмаш» компаниясидан 30 та (14 та бош ва 16 та ўрта) вагон харид қилиш бўйича олиб борилаётган музокараларни жорий йил охирига қадар якунлаш кўзда тутилган. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда таъкидланганидек, 2012 йилнинг 5 ойи мобайнида пойтахтимиз метрополитени жами 24,5 миллион йўловчининг узогини яқин қилган. Бу эса қарийб 3 минг нафар ходим ишлайдиган «Тошкент метрополитени» хизматидан ҳар кун тахминан 150-200 минг киши фойдаланади, дегандир.

— Айни пайтда йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида кассалар сонини кўпайтирмоқдамиз, — дейди Б. Содиков. — Бундан ташқари, бекатларда янги ёнувчи кўрсаткичларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилган. 2013 йилдан эса ҳозирги тўлов учун ишлатиладиган жетонлар ўрнини босувчи пластик карталарни муомалага чиқаришни, шунингдек, вагонларни ҳам видеокузатув тизими билан таъминлашни режалаштираямиз.

Реклама

КСИММЕЛИН®

Ксилометазолин

Равномерно орошает всю слизистую носа, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

Точное дозирование исключает передозировку

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с воспалением слизистой оболочки носа (насморк), острый синусит, средний отит (отит среднего уха), острый отит (отит среднего уха).

Быстрее насморка!



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Маҳалла ободлиги бу ердаги оилалар мустақамлигига боғлиқ. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Иқбол» маҳалласида истиқомат қилаётган Солевлар хонадонини ана шундай оилалар сирасига киритиш мумкин. Хонадон соҳиб Раҳиматилла Солеев бир неча йилдан буён маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида бу ерда ишловчиларнинг қувонч ва ташвишларига баравар шерик бўлади. Маҳалладошлари ундан, унинг овласидан ибрат олишини чуқур англагани боис хонадонда ҳам обод ва тарбияга, сарфмалликка жиддий эътибор беради. Икки ўғил ва икки қизи эл қорига ярайдиган баркамол инсонлар бўлиб ювса етишлари учун бор куч ва тажрибасини алмайди.

Бугун тўнғич ўғил Иззатилла касб-ҳунар коллежини тугатиб, алоқа соҳасида ишлаётган бўлса, кенжаси маҳалладаги 78-мактабнинг энг аълочи ўқувчиларидан бири ҳисобланади. — Ўзим узоқ йиллар мактабда дарс берганим боис фарзанд тарбиясини биринчи ўринга қўйганам, — дейди Раҳиматилла аканинг онаси, 80 ёши қоралаётган Насибохон ая. — Бугун болаларим камолани кўриб, умрим бекор ўтмаганига, юртимизни ҳур ва мустақил кўриб турганимга шукрона келтириб яшайман.

Бу қизиқ

ЯНГИ МАРКАЛАР ЧИҚАРИЛДИ



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Ўзбекистоннинг ноёб ўсимликлари» деб номланган янги маркалар серияси чоп этилди.

Маълумотларга кўра, муомалага чиқарилган серия 30x42 мм. ўлчамдаги 4 та почта маркаси ва 110x80 мм. ҳажмдаги 1 та почта блокидан иборат. Қиймати 800 сўмдан 1200 сўмгача бўлган почта маркаларида мамлакатимиз ҳудудида ўсадиган, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ўсимликлар акс эттирилган. Почта блокда тоғ манзараси фонида 1000 ва 1900 сўмлик иккита марка жойланган. Блокнинг чап томонида эса «O'zbekiston florasii» деган ёзув бор. Барча ўсимликларнинг номи лотин тилида берилган.



Мамлакатимизда ёзнинг илк кунлариданоқ иссиқ об-ҳаво ҳарорати кузатиломоқда. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, 7-14 июнь кунлари Узаруочан об-ҳаво кузатила-да, ёгингарчилик бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғмайди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида шамол шарқдан 7-12 м/с. тезликда эсиб, ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғмайди. Термометр кўрсаткичлари кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгариб туради, шамол шарқдан 5-10 м/с. тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 22-27 даража илқ бўлади.

Эълон

ТАШКИЛОТ ВЕБ-САЙТИ УЧУН ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ БИЛАДИГАН ТАРЖИМОН ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Мурожаат учун тел: 254-01-22



ТДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР НАРАКАТИ — О'ЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАШРИ



ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсалоф ТИШАБОВ, Абурайҳид ЖҲРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯҚУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Эмидулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илком НАСРИЕВ, Муҳлиса АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қилим НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Эшрад АБРОРОВА, Шаҳноз НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАХМОНОВ.
Топир МИРҲОДИЕВ, Ноҳир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродия АБДУРАХМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Қосимият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-63-50, Қабулхона — 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАЊИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru.
©XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нукати назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НММУ босямақонасида чоп этилди. Корхона маъини: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иктомий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буорте рақами: 14706 Тираж: 18 370
Баҳоси келишганин нарда.
Тошқирини — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Навбатқилар: Н.ТОШЕВ, АСАЙИДСАҚРОВ.

ISSN 2181-477X

9 772181 477004